Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 12 октябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 77 (6774)

**Даъват**

Ҳар бир ватанпарвар ўзининг кимнинг авлоди, қандай буюк мерос вориси эканини юрақдан англаши, ҳис этиши зарур. Ана шундагина унинг қалбида ўчмас фахр, букилмас миллий ғурур уйғонади. Ғурурли халқни эса ҳеч қачон тиз чўктириб бўлмайди.

**Ислом КАРИМОВ**

**Ибрат**

Навоий туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган «қаҳрамон» фермер хўжалиги раҳбари Абдулла Жўраев бундан бир неча йиллар илгари қурилиши бошланиб, тўхтаб қолган 96-ўрта мактаб биносини қуриб, ўқувчиларга тўҳфа этди.

*Бугуннинг гапи*

## ИШНИ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАСАК

**Кўпинча ҳамкасбларимдан ўқувчиларнинг китоб ўқимаётганидан норозилиги ҳақидаги шикоятларини эшитаман. Тўғри, ўқувчиларда китобга муҳаббат камайган. Лекин бунда бизнинг ҳам айбимиз бор. Кўпгина мактабларда она тили ва адабиёт дарсларини кузатаман. Ўқитувчилар дарслик ва дастурдаги материални бериш билан кифояланадилар. Нега ўқитувчи шогирдларини янги китоблар билан таништирмайди? «Гулхан», «Ёш куч», «Ёшлик», «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Тонг юлдузи» каби севимли нашрларидан парчалар ўқиб бериб, уларнинг шарҳи билан таништирмайди?**

**Ўқувчиларда китоб танлаш маҳорати етишмайди. Қўлига тушган китобни ўқиб кетаверади. Агар китоб муаллифнинг ўз ҳисобидан чиққан бўлса, савияси, бадиий қиммати паст бўлса, ўқувчини китоб ўқишдан бездириб қўяди. Шундай экан, яхши китобларни ўқитувчи дарсда тарғиб ҳам қила билсин.**

**Мен адабиёт фани чуқур ўргатиладиган синфда икки йилдан бери дарс бериб келаман. Аввало, дарсни адабий ва маданий ҳаётта онд янгиликлар билан бошлайман. Ҳар бир дарсга ўқувчиларим «Ахборот» «Янгиликлар»дан кўрган ва эшитган хабарларини тайёрлаб келишади. Янгиликларни газета материалларидан ҳам излаб топишади. Ҳафтада бир марта «Келажак тонги» эшиттириши ва унда кўтарилаётган баҳс-мавзулар ҳақида суҳбатлашамиз. «Белбоғли йигитчалар», «Жамалаксоч қизлар» қандай бўлмоғи кераклиги ҳақидаги баҳслар доимо қизиқарли чиқади.**

**Бу йил мустақил ўқиш дарларида «Гулхан» журналидан унумли фойдаландим. Айниқса, Эркин Маликовнинг «Шайтонвачча — найрангбоз» қиссасидан парчалар ўқиб бериб, давомини журналдан топиб ўқишни буюрганимда, ўқувчиларим журнални топиб ўқишди. «Шарқ юлдузи» журналидан эса Худойберди Тўхтабоевнинг «Жаннати одамлар», Ҳожиакбар Шайховнинг «Туташ оламлар» каби асарларини ҳам ўқидим. Китоб магазинларига бу китоблар чиққанда улар сотиб олишди. Агар ўқувчилар китоб нима ҳақидалигини билишмаса уни олишмасди. Демак, китобга қизиқтиришда ўқитувчининг ташвиқоти ҳам муҳим аҳамиятга эга.**

**Янгиликлар ва янги китоблар билан таништирганимдан сўнг «Шеърий лаҳзалар» ўтказаман. Бунда ўқувчилар дарсликдан ташқари севиб ёдлаган шеърларини ўқиб ёки ёддан айтиб беришади. Дастлаб уларга ўзим шеърлар танлаб бердим. Ҳозир эса, ўзлари Фарида Бўтаева, Сирожиддин Саййид, Салим Ашур, Замира Эгамбердиева, Зебо Мирзаева, Маҳмуд Тоиров кабиларнинг шеър китобларини сотиб олиб, улардан фойдаланяптилар. Мен ҳеч қачон уларга дуч келган шеърни ёдлатмайман. Негаки, ўртамиёна шеър уларнинг шеъриятга бўлган ихлосини қайтаради. Шунинг учун кўпинча ёдламоқчи бўлган шеърларини кўриб бераман.**

**Ўқувчилар ҳам яхши шеърни севиб ёдлайдилар. Айниқса, Муҳаммад Юсуфнинг «Ватан», Фарида Бўтаеванинг «Онажон», Абдулла Ориповнинг «Дунё» каби шеър ва тўпламлари қўлма-қўл бўлиб келмоқда.**

**Шу ўринда бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Деярли ҳар бир мактаб ёнгинасида тижорат дўконлари бор. Ўқувчилар қўлида эса 5-10 сўм пул. Улар танаффус бўлди дегунча, дўконларга бориб сақич, «чупа-чупс», қурт, писта кабиларни харид қилишади. Қани энди, газета-журналлар сотиладиган кичик шаҳобчалар бўлса. Ёки мактаб кутубхонасида ҳар куни газеталар олиб келиб сотилса. Ўқувчилар жон-жон деб оладилар, ўқийдилар. Узоққа бориб газета олишга эринадилар. Шу шаҳобчаларда ўқув қуроллари ҳам сотилса. Баъзан асаблар дош беролмай қолади: ўқувчи қимматбаҳо кийимлар кийиб олган, фалон сўмлик портфель тутган, қўлида егулик, аммо 5 сўмлик ручка ёки дафтари йўқ.**

**Демак, газета-журналларни ташвиқот қилиш ўқитувчидан бўлса-да, кичик савдо шаҳобчалари очиб бериш раҳбарларимиздан бўлса. Мақсад, ўқувчини мустақил мутолаага ўргатиб борсак. Зеро, маънавиятни юксалтирмай, баркамол ўқувчилар тарбиялаб бўлмайди.**

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**Юнусобод туманидаги**
**274-мактаб муаллимаси.**

*Халқаро ҳамкорлик*

## СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

*Пойтахтимиздаги 4-ҳунар-техника билим юрти, мана ун кунки, олмониялик ишбилармон муаллимлар билан гавжум. Улар Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ҳунар-техника таълими бош бошқармаси билан узаро тажрибалар алмашишиб, ўқув машғулотлари ўтказишмоқда. Куни кеча ана шу ўқув машғулотларида фаол қатнашганларга республикамиздаги Олмония Ҳукумати Элчихонаси вакиллари томонидан сертификатлар топширилди. Бу бежиз эмас, албатта. Мустақил юртимизга чет элларда, хусусан, Америка, Олмония, Япония каби йирик, тараққий этган мамлакатлар катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан қарашмоқда.*

*— Мана, уч йилдирки, — дейди Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳунар-техника таълими бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. Бобожонов, — Олмониянинг ҳунар таълими бўйича Халқаро фонди ўзбекистонлик ҳунар-техника таълими ходимлари билан фаол машғулотлар олиб бормоқда. Уз навбатида кўпгина мутахассисларимиз ҳам Олмонияга ташриф буюриб, уз малакаларини ошириб келишмоқда.*

*Ҳақ гап, бундай узаро аҳдлашувлар, бири-бири билан тенг ҳамкорликлар келажакда уз тотли мевасини беради. Биз бунга ишонамиз.*

**Л. БЎРИЕВ.**

**СУРАТДА: Сертификатлар топшириш пайти.**

**Р. ГАЛИЕВ олган сурат.**

## ЮНЕСКО ТАКДИМ ЭТГАН ДАСТУР

**Республика Халқ таълими вазирлиги шу йил бошида «Халқаро ҳамкорлик ҳақида»ги қарорни қабул қилган эди. Бунга кўра, эксперт-лар гуруҳи чет эл таълим тажрибасини ўрганишга киришдилар. Улар Япония ва Корея давлатларининг махсус таълим соҳасидаги ишлари билан танишишди. Гуруҳ аъзолари ЮНЕСКОнинг Бангкокдаги қароргоҳига ташриф буюришди. У ерда ЮНЕСКОнинг Осиё бўлими директори Виктор Ордовез томонидан «Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш учун дастурлар мажмуаси» ҳавола этилди. Мазкур дастур ҳозир 60 дан зиёд давлатларда тажриба сифатида фойдаланилмоқда. Беш йилдан бери Япония, Италия, Канада, икки йилдан бериб Корея, Россия, Қозоғистонда ва бошқа давлатларда қизғин маъқулланяпти.**

**ЮНЕСКО бу дастурни бутунлигича ҳамма давлатларда жорий қилишнинг тарафдори эмас. Лекин у билан танишиш ва шу асосда ёш ўқитувчиларни мазкур муаммо ҳақида ўйлаб кўришга даъват этиш тарафдоридир.**

**1996 йил 11-20 ноябрь кунлари Тошкент ЮНЕСКОнинг халқаро экспертлари билан ҳамкорликда семинар ўтказилади. Бу таклиф Ўзбекистон делегациясининг 1995 йил 1—5 август кунлари Непалда бўлиб ўтган ҳудудий семинарда ўртага ташланган эди. Бу таклиф ўз навбатида ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланди.**

**Қуйида ЮНЕСКО томонидан маъқулланган мазкур дастур матни билан танишасиз. Ҳар қалай бу дастур ўқитувчиларнинг таълим жараёни билан боғлиқ илмий-сиёсий дунёқарашларини кенгайтиришига умид қилиш мумкин.**

**З. ИШМУҲАМЕДОВА,**
**Халқ таълими вазирлиги мактаблар бошқармасининг бош мутахассиси.**

### ЛОЙИҲАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ

«Синфдаги алоҳида эҳтиёжлар» лойиҳаси ЮНЕСКО ташаббуси билан 1988 йилда яратилган. Унинг асосий мақсади, турли мамлакатларнинг мутахассис-педагог ва методистлари учун илғор ғоя ва қўлланмалар тўпламидан тажриба намунаси сифатида фойдаланишдир. Муаммонинг энг асосийси, мактабда ўқувчиларга бир хил ёндашишни бартараф этишдан иборатдир.

Халқаро ташкилотнинг лойиҳани яратиш ташаббуси умумтаълим мактабларида ўқиётган махсус эҳтиёжларга муҳтож бўлган ўқувчиларга нисбатан янгича ёндашиш принципини ишлаб чиқиш вазифасига айланди. ЮНЕСКО топшириғига биноан Лондон университетининг тадқиқотчилари томонидан 14 та мамлакат тажрибаси асосида ишлаб чиқилган материаллар учта йирик устунликни вужудга келтирди. Биринчидан, мажбурий таълимни барча болаларда таъминлаш. Иккинчидан, турли нуқсонлари бўлган болаларни умумтаълим мактабларига интеграция қилиш. Учинчидан, юқоридаги пунктларни бажариш асосида ўқитувчиларнинг таълим бериш сифатини ошириш.

### ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

Билим чексиз, алоҳида ва ижтимоий жараёндир.

Катталарда ҳам атроф-муҳитни билиш, янги ғояларнинг туғилиши ва эътиқодни ривожлантиради. Эски ғоялар янги тажрибаларга эга бўлиши натижасида ўзгаради.

Агар бир гуруҳ болаларга якка-якка (индивидуал) ёндашган ҳолда уларнинг ҳаёт тажрибалари намуна сифатида намойиш қилинса, бунда ҳар бир бола мазкур жараёнга улуш қўшади.

Ҳар бир гуруҳ қатнашчилари ўз билимлари билан ўртоқлашсалар, бу ўз навбатида рағбатлантирувчи таълим бўлади.

Олинган билим қачондир қувонч келтиришига ўқувчиларни ишонтириш керак. Ана шунда билим олиш фаол жараёнга айланади.

Кимдир бизни ўқитиши мумкин, лекин ҳеч ким биз учун ўқимайди. Таълим фаолликни талаб қилади.

(Давоми 2-бетда)

## ПСИХОЛОГИЯ ФАНИ: ЯНГИЛИКЛАР, МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР

***Ғайрат ШОУМАРОВ — Республика Таълим маркази директори. Психология фанлари доктори, профессор. Ҳозирги иши ақлий тараққиётни ўрганувчи АҚШ тестларини психологик таҳлил қилиш бўйича, докторлик иши эса ёш олиларнинг ижтимоий психологик муаммолари борасида. 1991-1996 йилларда А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтининг ректори вазифасида ишлаган.***

Маънавият, хусусан руҳият тарбияси бугун давлат эътиборидаги масалага айланди. Узбекистон Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони фикримизга далилдир. Бу Фармон инсон шахсини шакллантиришга қаратилган психология фани учун айниқса аҳамиятлидир.

Инсон боласини шахс сифатида шаклланиши, унинг билиш жараёнларининг ўсиши, психик ривожини 0-17 ёш деб оладиган бўлсак, унинг ўртасини 8-9 ёқ эмас, балки 3 ёш ташкил қилади. Демак, дастлабки уч йил кейинги 14 йилга тенг бўлади. Худди шу мисолни Узбекистоннинг 5 йиллигига ҳам ўхшатиш мумкин. Чунки дастлабки 5 йил Узбекистон қайси йўлдан бориши, уни иқтисодий, мафкуравий, сиёсий йўлини танлаш, мустақил давлат учун ёт бўлган давлат институтлари (Президентлик институти, Олий Мажлис институти ва бошқалар)нинг юзага келиб шаклланиши дастлабки беш йилда бўлди. Шу сабабли дастлабки бу давр вақт жиҳатдан ниҳоятда қисқа, аммо қилинган ишлар кўлами ва уларнинг аҳамияти жиҳатдан ниҳоятда муҳим, масъулиятли давр бўлди.

Айнан шу давр ичида психология фанининг ривожида республика психологлари қандай натижаларга эришганлиги борасида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Биринчидан, Узбекистонда тахминан 70 йиллик Иттифоқ даврида 1968 йилгача психология бўйича биттагина профессор П. И. Иванов бўлган, 1971 йилгача битта ҳам фан доктори бўлмаган, 1971 йилдан бошлаб 1990 йилгача 19 йил давомида биргина психология фанлари доктори Муҳаммад Давлетшин бор эди. Мустақиллик арафасида (1990) фан докторлари сони учтага етган бўлса, мустақиллик даврида фан доктори даражасидаги олимлар сони 7 тага етди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги орасида биринчилар қатори Узбекистонда Олий Аттестация Комиссияси ташкил этилиб, унда педагогика ва психология эксперт кенгаши ўз ишини бошлади ва маълум тажриба орттирди.

Фанни ҳам, истиқболни ҳам кадрлар ҳал қилгани сабабли биринчи бор психология фанлари бўйича илмий даража берувчи Ихтисослашган Кенгаш ташкил этилди.

Олий Аттестация Комиссияси Узбекистоннинг бугунги ва эртанги куни эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Ихтисослашган Кенгашга ёш ва педагогик психология мутахассислигидан ташқари ижтимоий психология ва этнопсихология мутахассисликлари бўйича ҳам диссертацияларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини берди.

Вилоятлардаги университетлар ичида биринчи бор Фарғонада психолог ва социологларни тайёрлаш факультети очилиб, унинг биринчи қалдирғочлари бу йил мустақил ҳаётга парвоз қилишди.

Ҳозирги кунда ҳам Узбекистон психологлари учун илмий-методик Марказ вазифасини ўтаб келган Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институтининг айрим факультетларида қўшимча ихтисослик сифатида психолог мутахассисларни тайёрлаш бошланди.

(Давоми 2-бетда)

## ЖУМЛАДА ЖАҲОН

**⊛ Ўзбекистон Республикаси Ядро физикаси институтида ядро реакторини ҳимоя этишнинг янги тизими жорий этилди. Бу Ўзбекистон, Буюк Британия, АҚШ ва Атом энергияси бўйича халқаро агентлик мутахассисларининг ҳамкорлиги натижаси бўлди.**

**⊛ Америка Қўшма Штатларидан юртимизга келган 40 нафар зиёлилар уч ой давомида Гулистон шаҳрида бўлишиб, фуқаролар уйларида яшашади. Уларнинг мақсади, халқимиз тили ва урф-одатларини ўрганишдан иборат.**

**⊛ Тошкентда Ўзбекистон банклари ассоциацияси томонидан республикада ягона «Банкинформрейтинг» — банклараро ахборот-рейтинг компанияси ташкил этилди.**

**⊛ Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Душанбеда Покистон бош вазирининг махсус вакили Саид Ҳайдарни қабул қилди. Ёпиқ эшиклар ортида ўтган суҳбатда Афғонистондаги вазият муҳокама қилинганлиги айтилмоқда.**

**⊛ Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин чегара ҳудуди бўйича сиёсат негизларини тасдиқлади. Ҳужжатда Россиянинг янги қўшни мустақил давлатлар билан давлат чегаралари собиқ иттифоқ даврида таркиб топган маъмурий-ҳудудий бўлинишга мос эканлиги таъкидланган.**

**⊛ АҚШ Босниядан ўз қўшинларини олиб чиқиб кета бошлади. Улар Германиядаги базаларига қайтишмоқда.**

**⊛ Исроил маъмурлари ўн минг фаластинликка ишга боришларига рухсат берди. Фаластин ҳудудида бўлиб ўтган тартибсизликлар боис Исроилда фаластинликлар ҳаракати чеклаб қўйилган эди.**

### ... ОГОҲЛАНТИРАДИ

Сигарет чека туриб 22 йил умрингизга зомин бўлиб, 24 хил касалликдан бирига учрашингизни қўрқитиш учун айтмаяпмиз.

Чунки ҳозир 1 млрд 200 минг киши чекиш билан машғул, ҳар 10 секундда бир инсон тамакидан ҳалок бўляпти. Дарвоқе, бўлар — Халқаро Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумоти.

### ИНТЕРНЕТ INTERNET

### МАОРИФ ОЛАМИДА

### КИМ ОЛДИНДА

Бўлиб ўтаётган тортишувли мунозараларга кўра АҚШ конгресси вакиллар палатасининг демократлар республикачиларга нисбатан илм-фанга кўпроқ эътибор қаратаётган эканлар. Ҳозирда иккала партия ҳам 1997 йилда таълим учун маблағларни ошириш режаларини илгари сурмоқда.

### ТАЙЁРИГА АЙЁРЛИК

Интернет компьютер тизимидан тайёр материалларни кўчириб олиш қонун билан жазоланади. Шунинг учун, АҚШнинг бир қатор олий ўқув юртлари студентлар орасида бу борада тушунтириш ишлари кучайтирилмоқда. Скандинавиядаги 12 университет фаолиятларини кенгайтиришда интернетдан фойдаланиш масалалари ҳам ҳал этилмоқда.

### МУКОФОТ БЕРИЛДИ

Филлипиннинг собиқ президенти Коразон Акуино АҚШ Фулбрайт ассоциациясининг халқаро дўстлик учун берилувчи йиллик мукофотини олди. АҚШ педагоглари бюджетдан миллий гуманитар таъминот агентлигига кўпроқ маблағ ажратиш билан агентликнинг халқаро фаолиятини янада яхшилаш мумкин, деган фикрдалар.

### ҚУЁШ ЧИҚАР ДИЁРДАН

Яқинда Япония археологлари тарихда йирик топилма бўлиб қолувчи аёл ҳайкалини топишди. Японияннинг марказий қисмидан чиққан бу қўғирчоқ 12 минг йиллик экан. У японларнинг энг қадимий ҳамда азиз ёдгорлиги бўлиб қолади.

*«Таълим тўғрисида»ги Қонун — амалда*

## ҚАМРОВ

***Мустақиллик шарофати билан бутун республикамиздаги сингари Қашқа воҳасида ҳам барча жабҳаларда янгиланиш нафаси сезилиб қолди. Юртимиз иморатининг мустаҳкамлиги биринчи навбатда пойдеворнинг пишиқлигига боғлиқ. Бунинг учун эса халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ишларни пухта ташкил этиш керак. Ахир, болалар бизнинг келажагимиз-ку! Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Раҳматилла Мусурмонов билан суҳбатимиз жараёни асосан таълим-тарбия борасида амалга оширилаётган янгиликлар ва келгуси режалар ҳусусида бўлди.***

**— Раҳматилла ака, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганига ҳам 5 йил бўлди. Қонунни амалга ошириш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар хусусида қисқача сўзлаб берсангиз.**

— Тўғриси, 5 йил жуда катта мудлат эмас. Демоқчиманки, таълим-тарбия соҳасида бирор янги услубиёт натижалари ҳусусида бу давр ичида якуний хулоса чиқариш қийин. Бироқ воҳамиз маорифчилари ҳам вақтни бой бермасдан, дадил ишламоқдалар. Қонунни бажариш юзасидан бошқармамиз ҳам, халқ таълими бўлимлари ҳам барча ўқув ва тарбия муассасаларимиз ҳам ўз режаларига эга. Албатта, бу режалар босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Вилоятимиз ҳудуди жуда кенг. Бу эса бошқарув аппаратидан катта масъулият талаб қилади. Айни кунда вилоятда 1010 та умумий таълим мактаби, 8 та катталар таълим маркази, 12 та лицей-мактаб, 6 та интернат-мактаб, 3 та меҳрибонлик уйи, 558 та мактабгача тарбия муассасаси, 64 та мактабдан ташқари муассаса, 36 та ҳунар-техника таълими муассасалари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида «Маънавий жиҳатдан мукаммал, ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқаралиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади» дея халқ таълими ходимларининг асосий вазифасини қисқа ва аниқ қилиб белгилаб берган эди.

Дарҳақиқат, мустақил юртимизнинг келажаги мактабларимиздадир. Чунки олим ва раҳбар ҳам, ишбилармон, ва тадбиркор ҳам, ишчи ва иқтисодчи ҳам — ҳамма-ҳаммаси мактабдан етишиб чиқади. Демак, бераётган таълимимиз қандай бўлса, келажагимиз ҳам худди шундай бўлади.

Айни ҳунда 1036 та ўрта мактабларда 501 минг ўғил-қизлар билим олмоқда. Уларга 43485 ўқитувчи-мураббий сабоқ беришяпти. Ўтган ўқув йилида 12 та лицей фаолият кўрсаттан бўлса, янги ўқув йилидан бошлаб 19 та лицей, 2 та гимназия танлов асосида қабул қилинган

(Давоми 2-бетда)

*Обуна — 97*

**Ҳурматли газетхонлар! Қадрли халқ таълими ходимлари: муаллимлар, профессор-ўқитувчилар, тарбиячилар ва талабалар!**

**Ўз қадрдон нашрингиз — «Маърифат» газетасига 1997 йил учун обуна давом этмоқда.**

**Фуқаролар учун нашр индекси — 64595**

**Корхона ва ташкилотлар учун — 64683**

### ФУТБОЛ КЛУБЛАРИГА СИФАТЛИ «МАҲСУЛОТ»

*Қорақолпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида спортга, хусусан футболга бўлган қизиқиш тобора ортиб бориши ғоят кувонарли ҳол бўлаяпти.*

*Яқинда Нукус шаҳрида футбол мактаб-интернати очилди. Энди ушбу даргоҳ профессионал футбол клубларига истеъдодли футболчилар етказиб беради. Бу йил, янги ўқув йилида мактаб-интернатга шаҳар ва туман футбол ишқибозларидан 10-11-синф ўқувчилари қабул қилинди.*

### АМИР ТЕМУР — МАШҲУРИ ЖАҲОН

*Усмон Юсупов туманидаги Йўлдош Қурбонов номидаги мактабда театрлашган кеча бўлиб ўтди. Бу кечада зиё масканининг юқори синф ўқувчилари Амир Темур бобомизга бағишлаб ҳавола этишган тарихий саҳна кўринишлари, ажойиб дилрабо қўшиқлари, жозибали шеърлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.*

*Дарвоқе, ўтмишини англаган эл, шундай улуғ боболари борлиғидан кувонади-да!*

**МУАЛЛИФЛАР: Hasanboy Rustam, Ф. ЭШҚУЛОВ, Р. ЕШИМБЕТОВ.**

ХАБАРЛАРИ — ММММ

### ДЕҲҚОН МУАЛЛИМ

*Шаҳрихон туманидаги Г. Мирзаев номидаги мактабнинг мусиқа муаллими Солижон Қиронов «бой» бўлишни исботламоқчи бўлди...*

*Солижон қўшни Бўз туманидаги М. Жалолов номли ширкатлар уюшмасидан бир гектар ер олиб, буғдой ҳосилидан бўшаган майдонга кечки тарвуз экди. Астойдил қилинган меҳнат зое кетмади. Куни кеча айни пишиб етилган тарвузларни харидорнинг ўзи келиб, полиз пайкалидан олиб кетди. Солижоннинг чўнтаги пулга тўлди-қолди...*

### «BESHARIQ» 35 YOSHDA

*O'qituvchilar kuni arafasida bolajon muallim, Shahrixondagi «Beshariq» oromgohining boshlig'i Kamoliddin Sirojiddinovning tashabbusi bilan esda qoladigan tadbir o'tkazildi.*

*Oromgoh ma'muriyati, tuman hokimligi hamda «Kamolot» jamg'armasi bo'limi, birgalikdagi sa'y-harakatlari bilan «Beshariq»ning 35 yilligi g'oyatda tantana bilan nishonlandi.*

*Tantanada ishtirok etgan Shahrixon tumani hokimining o'rinbosari Z. Salohiddinov oromgohning dovrug'ini butun vodiyda yoyishga ulush qo'shganlarga esdalik sovg'alarini topshirdi.*

ХАБАРЛАРИ — ММММ

### АМИР ТЕМУР — МАШҲУРИ ЖАҲОН

*Усмон Юсупов туманидаги Йўлдош Қурбонов номидаги мактабда театрлашган кеча бўлиб ўтди. Бу кечада зиё масканининг юқори синф ўқувчилари Амир Темур бобомизга бағишлаб ҳавола этишган тарихий саҳна кўринишлари, ажойиб дилрабо қўшиқлари, жозибали шеърлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.*

*Дарвоқе, ўтмишини англаган эл, шундай улуғ боболари борлиғидан кувонади-да!*

**МУАЛЛИФЛАР: Hasanboy Rustam, Ф. ЭШҚУЛОВ, Р. ЕШИМБЕТОВ.**

# МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН БАХТ

Муаллимлик фаолиятимда мени руҳлантирувчи кўплаб воқеалар содир бўлган. Фикримча, шундай воқеалар сабаб нафақат мен, балки ҳамма-ҳамма ҳам эҳтирос билан яшаса ва ишласа керак.

Ўқитувчилар куни арафасида ҳаётимда ана шундай воқеалардан энг улуғи рўй берди. Президентимиз Ислом Каримов Фармонига кўра «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирландим...

Сирасини айтганда, давлатимиз мустақилликка эришгач, анча фаоллашдим. «Мен муаллим сифатида мустақил Ватанимга нима қилиб беришим мумкин», — деган фикр менга тинчлик бермай қўйди. Айниқса, юртбошимизнинг «50 ёшдан ошганлар, жиддий ўйлаб кўринг, ёш давлатимизга бирон иш қилишга шошилинглар!», — мазмунидаги пурмаъно гаплари катта туртки бўлдию, ишга жаҳд билан киришдим, тажрибаларимни ўртоқлашдим. Гапимнинг тасдиғи сифатида бир мисол келтирай. Физика ўқитиш методикасига оид эълон қилинган 20 дан ортиқ илмий-услубий ишларимнинг ярми мустақиллик йилларига тўғри келаркан...

Давлатимизнинг бу мукофоти — менга билдирилган катта эҳтиром, шу билан бирга улкан масъулиятдир. Бу эҳтиром менга янада катта куч бағишлайди. Ҳуллас зиммамдаги масъулиятни бажаришга, мустақил юрт фарзандлари таълим-тарбиясига бутун куч-ғайратимни сарфлайман.

**Тошпўлат ЙЎЛДОШЕВ,**
**Тошкент вилояти Пискент туманидаги 28-мактаб ўқитувчиси.**

*«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиблари*

# ҲАЁТИМ МАЗМУНИ

Ўқитувчиликнинг машаққат тўла қопини елкалаганимга ҳам мана, 27 йил бўлди. Агар ўтган беомон йиллар қаршисида ҳисобот берсам, сўнгги манзил томон ташланган 27 қадамимни бугунги ҳаётимнинг мазмуни деб тушунаман.

1969 йил. Эсимда, ўша йили Тошкент Давлат чет тиллар институтининг инглиз тили куллиётини тамомлаган эдим. Мени Гулистон шаҳридаги 6-ўрта мактабга инглиз тили ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилишди. Мана шундан буён муаллима деган шарафли номнинг соҳибаси бўлиб келяпман. Шу билан бирга ортда қолган йилларнинг кафтида фаолиятим давомидаги ютуқларимни кўриб юксалиб кетаман.

Ўқитувчилик фаолиятим давомида қўлга киритган барча-барча ютуқларимни, қоларверса, куни кеча ҳукуматимиз томонидан «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланишимни Республика Ўқув Маркази (аъзосиман), шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти (бу ерга ҳам аъзоман), шунингдек, бугун фаолият кўрсатаётган Мирзо Улуғбек туманидаги 120-ўрта мактаб жамоаси билан олиб борган ҳамкорликларим самараси деб биламан. Айниқса, Президентимизнинг Фармонига мувофиқ мукофотланганлар қаторидан жой олишим наздимда 27 йиллик меҳнатимнинг акс-садосидек бўлди.

Бугун тўрт нафар фарзандим бор. Ўйлайманки, бу муваффақиятларимда оиламдаги тотувликнинг ҳам улуши бор. Бунинг учун турмуш ўртоғимдан, қайнонамдан — ҳамма-ҳаммасидан, энг аввало, ҳукуматимиз раҳбарларидан беҳад миннатдорман.

**Нигора ИКРОМОВА,**
**Мирзо Улуғбек туманидаги 120-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси.**

# ҚАМРОВ

(Боши 1-бетда).

иқтидорли болалар билан иш бошлади. Шунингдек, Қарши давлат университети ҳамда муҳандислик ва иқтисодиёт институтлари қошида ҳам лицейлар фаолият кўрсатаётир. Мавжуд ўқув муассасаларида 3600 нафар иқтидорли болалар фан сирларини чуқур ўрганмоқдалар.

**— Раҳматилла ака, Қонунда кўрсатилишича, ва давр талабларидан келиб чиқилганда ҳам ўқувчилардаги алоҳида иқтидорни ўстириш керак. Бас, шундай экан, ўзингиз юқорида таъкидлаб ўтганингиз, катта бир вилоят ҳудудида 19 та лицей мактаб ташкил этилибди. Бу кам эмасмикан?**

— Фикрингизни тушундим. Ҳақиқатан ҳам 19 та лицей мактаб бизнинг вилоятимиз учун кам. Вилоят ҳокимлигининг 1995 йил 11 августда чиқарилган қарорига кўра, барча туманларда биттадан (14 та) ҳунар-техника билим юртлари мутахассисликлари ўзгартирилиб, бизнес мактаблари (5 та) ва ҳунар лицейларига (9 тага) айлантирилди. Шуни айтиш жоизки, вилоятдаги мактабларда алоҳида фанларни чуқур ўргатувчи синфлар сони 1994-95 ўқув йилида 462 та эди. Ўтган ўқув йилида мазкур синфлар сони 3590 тага етказилди. Бу хилдаги синфларда 72998 нафар ёшлар алоҳида фанлардан чуқурлаштирилган режалар асосида билим олдилар. Янги ўқув йилида бундай синфлар сонини 20 фоизга кўпайтирамиз. Мавжуд лицей-мактаблар ва алоҳида фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар ўзларини оқлаяпти. Айтайлик, Гузор туманидаги тиббий фанлар лицейини икки йилда 40 нафар ўқувчи битирган бўлса, улардан 37 нафари олий ўқув юртларининг талабаси бўлишди. Яна бир мисол. Қарши шаҳридаги 5-мактабнинг математика ўқитувчиси Раъно Содиқованинг чуқурлаштирилган синфини тугатган 28 нафар ўқувчининг 26 нафари шу йилнинг ўзида олий ўқув юртининг талабаси бўлишди.

**— Вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари эътибор қаратган соҳада самарадорлик юқори бўлади. Бу ҳақда нима дейсиз?**

— Умуман олганда, гапингиз тўғри, ҳокимлик аралашган ишлар тезлашади. Тўғрисини айтганда, туманларда халқ таълими ишлари туман ҳокимлигига жуда-жуда боғлиқ. Агар туман ҳокимлиги эътибор бермаса, шу туманда маориф ишини жонлантириб бўлмайди. Вилоятимизда ҳокимликлар ташаббуси билан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Баҳористон тумани бизнес мактаби учун ҳокимликлар ташаббуси билан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Баҳористон тумани бизнес мактаби учун ҳокимлик 1 миллион сўм маблағ ажратди. Китоб тумани ҳокимлиги эса бизнес мактабида ҳунармандчилик устахоналари қуриш учун 150 минг сўм берди. Қарши тумани ҳокимлиги туман лицейи учун 128 минг сўм, Яккабоғ, Ғузор, Қамаши тумани ҳокимликлари эса 20 минг сўмдан маблағ ажратди. Шаҳрисабз тумани ҳокимлиги эса ҳунар лицейини табиий газ билан таъминлашга ёрдамлашди.

**— Раҳматилла ака, вилоятдаги мактабгача тарбия муассасалари ишидан қониқасизми?**

— Маълумки, Қашқадарёдаги 490 та мактабгача тарбия муассасасининг 214 таси давлат таъминотида. Ибратли боғчаларимиз сони анчагина. Уларда миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, болалардаги алоҳида иқтидорни ўстириш ва яна кўплаб янги тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ боғчалар масаласида муаммоларимиз ҳам бир талай. Очиғини айтсам, айни вақтда вилоят миқёсида болаларнинг атиги 21,4 фоизигина боғчаларга тортилгандир. «Иқтисодий етишмовчилик» деган баҳона билан вилоят бўйича 1575 ўринли 81 та боғча айни пайтда ёпиб қўйилган. Бу боғчаларнинг асосий қисми Деҳқонобод, Қамаши, Шаҳрисабз туманларида жойлашган.

**— Демак, муаммолар ҳам йўқ эмас экан. Халқ таълими соҳасида кенг қамровли иш юритиш мураккаб...**

— Тўғри айтасиз. Лекин муаммоларни бартараф этиш йўлларини ахтаришимизга тўғри келади. Мактаб-маориф ишини умумлавлат иши даражасига кўтариш биздан сабот-матонат талаб қилади. Халқ таълимини бошқаришда маҳаллий идоралар, ташкилотлар бизга ҳамкору мададкор бўлсалар, ишимизда ўсиш ва сифат кўзга ташланади.

**Абдували ОБИДДИНОВ суҳбатлашди.**

# «ЎТАЁТГАН КУН»НИНГ ДАВОМИ

Шофиркон туманидаги болалар ва ўсмирлар ижодиёти уйида қатор йиллардан буён фаолият кўрсатаётган «Наъматак» адабий тўгарагининг довруғи республикамиз миқёсида яхши таниш.

Айни кунда ушбу тўгаракнинг ўттиздан зиёд қалдирғочлари турли университетларнинг филология ва журналистика факультетларида таҳсил олмоқдалар. Тўгаракни хассос шоир Омон Абдулла бошқаради. Яқинда унинг «Утаётган кун» номли шеърлар китоби «Бухоро» нашриётида чоп этилди. Шофирконлик Ғайратий деб эъзозланиб юрган Омон Абдулланинг шогирдларидан Шоҳобиддин Уринов ўтган йил «Менинг биринчи китобчам» республика кўрик-конкурсида қатнашиб совриндор бўлди. Истеъдодлар эса тўгаракда анчагина бор.

Демак, «Утаётган кун»нинг давомо узун.

**Дилмурод ЖАББОР.**

# ПСИХОЛОГИЯ ФАНИ: ЯНГИЛИКЛАР, МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР

(Боши 1-бетда).

Халқ таълимини психолог мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб Халқ таълими вазирлиги 1992 йилдан бошлаб мактаб штат жадвалига психолог штатининг киритилиши ҳақида буйруқ чиқарди. Бунга жавобан Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтидаги 9 ойлик психолог мутахассисларни тайёрлаш курсларида таълим олаётган педагог ходимлар сони икки баробар оширилди.

Таълим тизимини вилоятларда мактаб психологлари билан таъминлаш мақсадида А. Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтининг узида,. Бухоро, Наворий, Андижон, Тошкент вилоятлари халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтларида психологлар тайёрлаш курслари очилди. Булар орасида вилоятлар учун Бухоро вилоят малака ошириш институтининг фаолияти намуна сифатида хизмат қилиши мумкин. Узга институтлардан фарқли равишда Бухорода янги касб мутахассисларини конкурс асосида тестлар, суҳбат воситалари билан шахсий ва касбий сифатларини ўрганилган ҳолда танлаб олинади.

Янги мутахассисликни эгаллаб психолог бўлиб ишлаётганларни вақти-вақти билан йиғиб даврда суҳбатлари утказилади, уларнинг «дарди» эшитилади, янги фаолиятда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни тез бартараф этиш учун ташкилий ва методик ёрдамлар психолог Й. Асадов томонидан бериб борилади.

Шу йилдан бошлаб хужалик ҳисобида психологларни тайёрлаш курслари яна бир қатор вилоят малака ошириш институтларида ҳам ташкил этилади.

Психологиядан юқори малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш мақсадида Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида Узбекистон тарихида биринчи бор психологиядан докторантура ва А. Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида психологиядан аспирантура очилди.

Педагог кадрларимизнинг психологик билимлар савиясини ошириш, уларнинг шахс сифатларини янада такомиллаштириш мақсадида деярли барча вилоят малака ошириш институтларида педагогика ва психология кафедралари ташкил этилди. Кафедралардаги мутахассислардан илмий-тадқиқот ишларига лаёқати бор ёшлар аспирантурага, илмий тадқиқотчиликка жалб қилинмоқда. Ҳозирги кунда биргина Марказий малака ошириш институтининг ўзида 40 дан ортиқ аспирант, илмий тадқиқотчилар бошқарув психологияси, ёш ва педагогик психология, ижтимоий психология, этнопсихология, махсус психология тармоқлари бўйича диссертацион иш олиб боришяпти.

Психологларнинг амалий фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш, ўрганиш, баҳолаш, зарур бўлганда назорат қилиб бориш мақсадида улар фаолиятининг мазмуни, ҳуқуқ ва вазифаларини узида акс эттирган «Халқ таълими тизимидаги психологик хизмат Низоми» ишлаб чиқилди ва Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланди. Илгари педагогик ўқишлар тарихида бўлмаган «Психологик хизмат» шўъбаси 1996 йилда мустақилликнинг 5 йиллигига бағишланган Узбекистон «Педагогика ўқишларида» самарали иш олиб борди.

Иккинчидан, сўнгги беш йилда психология фанидан илгариги 70 йил давомида узбек тилида чоп этилган ўқув қўлланмалардан зиёд китоблар, методик тавсияномалар чоп этилди. Бунда психолог олимларимиз Э. Ғозиев, М. Давлетшин, К. Мамедов кабиларнинг хизмати каттадир. Ҳозирги пайтда айрим психолог олимларимизнинг (В. А. Токарева, Н. Соғинов ва бошқалар) ишлари чоп этишга тайёрланган.

Учинчидан, Психология фанини ўқитиш бўйича ўқув дастурлари қайта ишлаб чиқилди. Психология фанлари интеграцион равишда ўтилаяпти. Бу янгиликларни жорий қилишни қай даражада уддасидан чиқа олаётганлигимизни эса вақт кўрсатади.

Туртинчидан, психологик билимларни аҳоли орасида тарғибот қилиш, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида психологик иқлимни яхшилаш, соғломлаштириш йўлида телевидение орқали ҳам катта ишлар қилиняпти. Бир қатор телекурсатувлар, радиоэшиттиришларда психологларнинг мунтазам иштирок этиб туришлари фикримизнинг далилидир.

Бешинчидан, Узбекистонимизнинг турли вилоятларида, ҳокимиятлар қошида психологик хизмат бўлимлари, маслаҳатхоналари ташкил этилаяпти.

Махсус тайёрланган психолог корхона, муассасалар билан шартнома тузиб, у ердаги психологик иқлим, раҳбариятдан ходимларнинг қониқиш даражаси, раҳбар ва узга ходимларнинг шахсий сифатлари, улар асосида мутахассиснинг конкрет тавсиялари берилади. Бу борада ҳам Бухоро вилоятида ёш иқтидорли олим ва ташкилотчи Ш. Баратовнинг ва Бухоро вилоят ҳокимиятининг тажрибаси диққатга сазовордир.

Олтинчидан, Узбекистоннинг истиқболини белгилаш ва уни буюк давлатга айлантиришда иқтидорли ёшларнинг ҳиссаси катта эканлигини ҳисобга олиб «Истеъдод маркази» ташкил этилди ва у юқори малакали психолог мутахассислар билан таъминланди.

Еттинчидан, Мустақиллик даврида таълимда психологик хизмат муаммолари, психодиагностика, узбек оиласининг этнопсихологик масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ва семинарлар утказилди.

Саккизинчидан, Узбекистонда психология фанининг айрим йўналишлари бўйича мактаблар шаклланаётганлигининг гувоҳи бўляпмиз. Ўйлаймизки, Узбекистон мустақиллигининг 10 йиллигини психологлар ҳар томонлама шаклланган бир нечта илмий мактаблар билан кутиб оладилар. Профессор Э. Ғ. Ғозиев ва профессор В. А. Токаревалар раҳбарлигида Олий мактаб психологияси, профессор М. Т. Давлетшин ва Р. З. Гайнутдинов раҳбарлигида ўқитувчи психологияси, ушбу сатрлар муаллифи, Н. А. Соғинов, В. М. Каримов раҳбарлигида оила ва этнопсихология, профессор Б. Р. Қодиров ва К. К. Мамедовлар психодиагностика мактабларини юзага келтиришлари мумкин.

Юқоридаги ютуқлар сон жиҳатдан кўп бўлмаса-да Узбекистонда психология фанининг ривожланиши ва жаҳон миқёсида уз улушини қўшишга асос сифатида хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Юқорида қўлга киритилган бир қатор ютуқларимизнинг аҳамиятини камситмаган ҳолда, уларнинг ҳаммаси катта ишлар қилиш мумкинлигига даъво сифатида, бизда етарли потенциал имкониятлар борлиги ва ҳукуматимиз томонидан бунга барча имкониятларнинг бирин-кетин яратаётганлигининг курсаткичи сифатида қабул қилиб, энг муҳими—олдимизда турган долзарб вазифалар, муаммолар ва уларнинг ечимлари устида фикрлашсак. Шундагина биз психология фанидаги ютуқларни жаҳондаги энг илғор илмий янгиликлар даражасига кўтаришимиз, Узбекистон психология фанининг жаҳон психология фанида етарли ўз ўрнини эгаллашига эришишимиз мумкин.

Хуш, муаммоларимиз нималардан иборат ва уларнинг ечимлари қандай?

Энг муҳим муаммоларимиздан бири психолог кадрларнинг ўта танқислигидир. Узбекистон мактабларини психолог кадрлар билан таъминланиши 2 фоиздан ортмайди. Университет ва педагогика институтларимизда психологларни етиштириш шу йўсинда борса, мазкур муаммо яқин 50 йилда ҳам ҳал бўлмайди.

Собиқ Иттифоқ даврида айрим мутахассисларнинг сифати эмас, сонини таъминлаш мақсадида қилган хаталаримизни такрорламаслигимиз керак. Психолог кадрларимизни сифатли, замон, жаҳон, фан талабига мос равишда етиштиришимиз шарт.

Шунинг учун муаммонинг биринчи ечими психолог олимлар билан таъминланган, илмий-методик базаси бўлган Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида талабалар сони йилдан-йилга кескин қисқариб кетаётган факультет базасида психология факультетини очиш. Бу қўшимча маблағ талаб қилмайди.

Яна бир ечими илмий потенциал мавжуд бўлган университетларда Фарғона тажрибасини қўллаш ёки психология бўлимларини ташкил этиш. Шу билан бирга аспирант ва докторантларни мавзу ва ихтисослигига кўра етакчи бўлган илмий мактаб, машҳур кутубхоналари мавжуд бўлган МДҲ ва узга хорижий давлатларга бир ойга сафар хизматига юбориш одат тусига айланиши керак. Бозор иқтисодига утишда ҳар бир олий ўқув юрти фақат бугунги кунда қанча пули борлигини санаш билан чекланмасдан бу пулни ўқув юртини келажак бозорида рейтингини оширувчи энг кучли омиллардан бири-бу институт, университетларда тайёрланаётган мутахассисларнинг касб савияси, серқирралилиги, билимдон ва тадбиркорлиги бир сўз билан айтганда, уларнинг сифатини яхшилашга мақсадли ишлатишдир. Кўпгина ҳолларда бу икки ўқув муассаса орасидаги шартнома асосида бўлиши ортиқча маблағ талаб қилмайди.

(Давоми бор).

**Ғайрат ШОУМАРОВ,**
**психология фанлари доктори, профессор.**

Чилонзор туманида 37-катталар таълими маркази очилди. У ерда тажрибали муаллимлар ўқувчиларга икки йил давомида ҳисобчи, иқтисодчи, чеварлик каби касбларнинг сирсиноатларини ўргатадилар.

СУРАТДА: илғор муаллима Санобар Аҳмедова болалар боғчалари тарбиячилари гуруҳида муомала санъати ва расмлар билан ишлаш мавзуида машғулот олиб бораяпти.

**Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

# ЮНЕСКО ТАҚДИМ ЭТГАН ДАСТУР

(Боши 1-бетда).

## МАКТАБ АМАЛИЁТИНИ ТАТБИҚ ҚИЛИШ

Текширув ўқитувчилар малакасини оширишнинг асосий бўғини ҳисобланади. Ўқувчиларга таълим бериш жараёнида маълумот тўплаб, улар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўламиз. Маълумотнинг кўп қисми табиий усулда, яъни дарсда олинади. Кузатиш, суҳбат, эшита билиш — булар ҳаммаси ўқувчилар билан ҳамкорликни ўрнатишга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида таълим беришда малакани оширади.

Айрим ҳолларда материалларни танлашнинг ўзига хос хусусияти, таълим жараёнини қайта кўриб чиқишга замин яратади. Мазкур тадқиқотларни олиб бориш мобайнида қўйидаги саволларни ўзингизга доимо беринг: Мен нимани билмоқчиман ва нимага? Қандай қилиб ўрганишим мумкин? Олинган маълумотлар қандай хулосани бермоқда? Хулосани нима қилиш керак?

Мактаблар ва дарслар ҳақидаги маълумотлар тўплашнинг кўплаб турлари мавжуд: 1. Синфни кузатиш. 2. Интервью олиш. 3. Мажлислар ўтказиш. 4. Анкеталар тарқатиш. 5. Ҳужжатларни таҳлил қилиш. 6. Аутсайдерлардан фойдаланиш.

Қуйида шу турларга тўхталамиз.

Синфда булаётган воқеалар ҳақида маълумот тўплаш анча қийин. Анъанага кўра, ўқитувчиларга яккалик хосдир. Ва четдан ташриф кўпинча нотўғри фикрларни келтириб чиқаради. Холис кузатувчи синфда муҳитни ўзгартиради ва диққатнинг жамланишига халақит беради. Шундай фикр мавжудки, кузатувни вақтини қисганмаган кишигина олиб бориши мумкин. Ўқитувчиларнинг методикасини такомиллаштириш учун ҳам ишлар олиб борилиши керак.

Ўқитувчилар учун ўз фаолияти ҳақида маълумот тўплаш бошқа бир воситадир. Бу ғоя тажрибали фаолиятни такомиллаштиришда рағбатлантирувчи усул ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ўқитувчилар ишини такомиллаштириш мақсадида ўз фаолиятларини таҳлили билан қизиқишлари керак. Аудио-визуал усулининг турлари педагогларга ёрдам беради. Яъни уларга синфда узларини тутишлари ва хулқ-атворларининг айрим жиҳатларини қайта кўриб чиқишга кўмак берувчи маълумотни беради.

Содда қилиб айтганда, интервью—маълумот олиш мақсадида мулоқот ўрнатишдир. Интервьюнинг бир нечта турлари мавжуд. У аниқ тизими ва олдиндан келишилган саволлар мажмуаси асосида қисқа, кенг бўлади. Суҳбат бирор шахс ёки маълум бир гуруҳ билан олиб борилиши мумкин. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бунинг натижасида кўзда тутилган тавсиялар ёки қандайдир саволларга жавоб аниқланади. Интервьюни режалаштиришда қуйидагиларга эътиборни қаратиш керак.

Кимдан интервью олиш керак? Бериладиган саволлар тўғрими? Зарурий шароит яратилганми? Олинган натижаларни амалга оширса бўладими?

Натижага эришиш учун тайёрлов жараёни муҳимдир.

Мажлислар ўтказиш катта аудиториялардан маълумот тўплашнинг бир қисмидир. Мактабларда қоидага мувофиқ кўплаб мажлислар ўтказилади ва бу борада ўқитувчилар ўз норозиликларини билдиришади. Мажлислар орқали кўп ишларни амалга оширишга йўл очилади. Агар мажлисларга мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан қаралса, уни жилдий ҳолда ташкил қилиш лозим. Тажрибанинг кўрсатишича, уларга қуйидаги шартлар ёрдам беради:

1) Иштирокчиларга муҳокама этиладиган мавзу барвақт берилади. Улар ўз фикр-мулоҳазаларини тайёрлайдилар. Бу мажлисда сўзлаш имконини беради.

2) Мажлисларга якун ясалади. Ҳаммага маълумки, ўқитувчилар мулоқотининг фаол иштирокчиларидир. Агар муҳокамалар мақсадга қаратилмаган бўлса, пировардида улар маъносиз бир нарсага айланади.

3) Айрим зарур ҳолларда қабул қилинган қарорлар олдиндан тайёрланиб, ҳар бир иштирокчига тарқатилиши керак.

4) Агар иштирокчилар ноқулайлик ва юзакиликни сезсалар улар бунга салбий муносабатда буладилар. Масалан, айримлар ўзларига бўлган салбий муносабатдан саросимага тушадилар. Агар 1-2 киши мажлисда фаол иштирок этса, қолганлар учун мажлис иккинчи даражали бўлиб қолади. Мажлисларни сермазмун ва самарали ўтказишни асосий мақсад қилиб қўйиш лозим.

Анкетадан фойдаланиш маълумотни тезкор олишнинг бир томонлама ва содда усули ҳисобланади. Лекин тажриба шуни кўрсатдики, бу метод маълум қийинчиликлар асосига қурилган. Кўп ҳолларда анкета нотўғри тузилиши оқибатида кўзда тутилган натижаларни бермайди. Шунинг учун анкеталарни тузиш мезонларига асосий эътиборни қаратиш лозим.

Анкеталарни очиқ ва ёпиқ турдаги саволлардан тузилиши мумкин. Кўпинча очиқ турдаги саволлар кутилмаган жавобларни беради, бундай ҳолатда таҳлил қилиш имкони берилмайди. Умуман олганда, самарали анкеталар шундай саволларни узида мужассам қиладики, жавоблар шакли олдиндан аниқ бўлиб қолади. Анкетани тузишда қуйидагиларни кўриб чиқиш лозим: мазмуни, савол шакли, жавоб турлари ва саволларнинг давомийлиги. Анкеталарни умумлаштиришда синовдан ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳужжатлар фойдали маълумотлар манбасидир. Давлат ҳужжатлари, низомлар, мактаб ҳужжатлари ёки ўқувчиларнинг ёзма ишларидан намуналар бунга киради. Ҳужжатларни таҳлил қилиш режаси қуйидагичадир: ҳужжут тури, унинг мазмуни, ким томонидан берилган, келиб чиқиши, ҳужжатнинг мазкур муассасага хослиги, уларнинг тўлиқлиги. Кўпгина мактабларда эътиборга олинмаган маълумотлар мавжуд ва уларнинг текширув жараёнида маълум ёрдами тегади. Ҳужжатларни қайта таҳлил қилиш натижасида қизиқарли ғоялар аниқланади.

Аутсайдерлардан фойдаланишда маълумот тўплаш бир гуруҳ шахсларни ўз ичига олади, улар мактабдан ташқаридаги шахслардир. Яъни инспекторлар, методистлар, олий мактаб вакиллари ёрдам беришлари керак. Уларнинг фаолияти наф келтиради. Чунки мактаб муаммолари ва таълим-тарбия методикасига ўқитувчига нисбатан узгалар бошқачароқ нуқтаи назардан қарайдилар. Улар бошқа мактаблар тажрибасидан келиб чиқиб, раҳбарият учун муаммоларни ҳал этиш йўлларини кўрсатадилар. Агар аутсайдерлар ёрдамидан фойдаланиш зарур бўлса, уларни текширув режа ва мақсадлари ҳақида воқиф этиш мақсадга мувофиқдир. Аутсайдерлар фикри танқидий бўлганда, юқори даражали дипломатик ва этика қоидаларига риоя қилиниши керак. Ҳар қалай уларнинг фикри истиқболли, лекин текширишга муҳтож бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

*Ўрта махсус ўқув юртларида*

# ТАЪЛИМ ВА ТАДБИРКОРЛИК

Наби Ғаниев номли Тошкент давлат кинотехникуми нафақат Республикамизда, балки Марказий Осиёда ягона ихтисослашган ўқув даргоҳи саналади. 1969 йилдан дастлаб киномактаб сифатида иш бошлаган бу ўша кейинчалик, аниқроғи 1964 йилдан бошлаб кинотехникум мақомини олди. Дарслик дастурлари мукаммаллашди. Бугунги кунга қадар кинотехникумни тўрт мингдан зиёд талаба тугаллаб чиқди. Айни пайтда бу ерда 600 талаба (400 нафари кундузги бўлимда) киновидеотехник-оператор, радиотехник, овоз оператори, иқтисодчи ва ҳисобчи мутахассисликлари бўйича таълим олмоқда.

Узбекистон Республикаси Телерадиокомпанияси, «Узбеккино» акционерлик компанияси ва Республика Маданият вазирлиги билан яқинда ўрнатилган ҳамкорликка мувофиқ, кинотехникум уларга малакали мутахассислар тайёрлаб беради. Уз навбатида мазкур ташкилотлардан келган соҳа билимдонлари талабаларга махсус фанлардан сабоқ беришади. Бу ерда янги ташкил этилган иқтисод ва ҳисоб фанларини мукаммал ўргатиш мақсадида йигирмага яқин замонавий компьютерлар ўрнатилган.

Яқин орада Тошкент шаҳар ҳокимияти молиявий кўмаги билан 1ВМ маркали компьютер синфини ташкил этиш ниятидамиз, — дейди кинотехникум директори Хожимурод Хожиев.

Директор иқтисодчи бўлганлигидан билдикки, бу ерда тадбиркорлик ишлари авжида. Турли пуллик курслар фаолият кўрсатяпти. Бундан ташқари кинотехникум талабалари ўз ўқитувчилари билан шаҳар театр ва кинотеатрларидаги турли хил аппаратларни созлаб беришяпти. Натижа чакки эмас. Шу йилнинг ўтган 9 ой мобайнида 40 минг сўм даромад ишлаб топилди. Бу жамғарилган пулларни асосан ўқитувчи ва талабаларни ижтимоий ҳимоя қилишга, шунингдек, зарур ўқув қуроллари сотиб олишга сарфланяпти. Кинотехникумдаги иккита Panasonic видеокамераси ва учта AEWA рангли телевизорлари ҳам талаба ва мураббийлар ишлаб топган фойда эвазига олинган.

Куни кеча техникумда ўқитувчилар байрами муносабати билан катта байрам дастурхони ёзилди. Дастлаб Республикамиз мадҳияси янгради. Сўнгра кинотехникум маъмурияти ва касаба уюшмаси барча ўқитувчи ва хўжалик ходимларига, аълочи талабаларга қимматбаҳо совғалар топширди. Кечада «Узбеккино» акционерлик компанияси ходими Анвар Ёқубхўжаев сўзга чиқиб, барча мураббий-устозларни байрам билан қизғин муборакбод этди.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**«Маърифат» мухбири.**

*Иқтисод сабоқлари*

# ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИНИНГ МЕНЕЖЕРИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида халқ хўжалиги таркибида ўзгаришлар бўлгани сингари халқ таълими соҳасида ҳам анча янгиланишлар юз берди. Ҳозирги кунда иқтисодий жараёнларни чуқур ўрганиш мақсадида умумтаълим мактабларининг барча синфларида иқтисод сабоқлари, юқори синфларда, гимназиялар, лицейлар ва коллежларда эса бозор иқтисодиёти асослари, иқтисодий билим асослари, тадбиркорлик ва бизнес, маркетинг, менежмент асослари каби курслар барча фанлар қаторида ўқитилмоқда. Ушбу ўқувларга ёрдам тариқасида мазкур мақоламизда халқ таълими тизимида бозор иқтисодиётининг энг муҳим соҳаларидан бири бўлган менежер ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритмоқчимиз.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни, энг аввало, янгича итисодий мулоҳаза юргизишни, бозор қонунларини ва ҳуқуқий нормаларни, ривожланган мамлакатларда бошқариш, менежмент, маркетинг борасида эришилган тажрибаларни таҳлил этиш ва ўрганишни тақозо этади.

Ҳаммага маълумки, кейинги қисқа вақт ичида республикамизда тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда Президентимиз И. А. Каримовнинг бир қатор фармонлари ва ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Иқтисодиётимизда янги ташкилий структуралар, яъни кичик корхоналар, фирмалар, фермер (деҳқон) хўжаликлари, концернлар, ҳиссадорлик жамиятлари бунёдга келди. Ана шу иқтисодий ўзгаришлар ва структураларни мактаб ўқувчиларига пухта ўргатиш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Фикримизнинг далили учун дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бири бўлган АҚШ иқтисодиётининг айрим бир соҳаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Америка тарихининг дастлабки даврларида корчалон кишилар турли хилдаги фирмалар, ишлаб чиқаришлар, корхоналар, магазинларнинг эгалари тожирлар бўлиб ишлашган ва уларнинг ўзлари молиявий масаладан бошқарувгача бўлган барча ишларни бажаришган. Агар корхона эгаси уддабуронлик, тадбиркорлик каби савдо-сотиқ ишларида муҳим бўлган хусусиятларга эга бўлмаса, ундай ҳолларда у қобилиятли иш бошқарувчиларни ёллаган ва улардан кўплари бир қанча вазифаларни (ҳисобчи, молияшунос, банкчи ва ҳ. к.) бажаришган. Ушбу турдаги касблар АҚШда XIX асрнинг иккинчи ярмида, айниқса, қимматбаҳо қоғозлар бозори ва молия ҳамда кредит институтлари ривожлана бориши даврида муҳим роль ўйнади. Аста-секин мулкчилик фаолиятини бошқаришдан ажралиш жараёни яққол кўрина бошлади. Оддий қилиб айтганда, менежерлик инқилоби бошланди ва у то ҳозирги кунга қадар хилма-хил шаклларда ривожланиб турли мамлакатлар, худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ҳам кириб бормоқда.

Хўш, менежмент ва менежерлар деганда нимани тушуниш керак, унинг асосий вазифаси нимадан иборат?

Менежмент — ишлаб чиқаришни бошқариш шакллари, принциплари ва воситалари мажмуаси бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва фойданинг миқдорини ошириш мақсадида кенг қўлланилади.

Менежерлар — инглизча сўздан олинган бўлиб, ёлланма профессионал бошқарувлар мазмунини англатади. (Қаранг: «Ишбилармонлар лугати», Тошк. 1993 йил, 59-бет). Ғарб мамлакатларида компания, банк, молия муассасалари ва уларга қарашли бўлинмаларнинг раҳбар ходимлари; облигация заёмлари чиқариш (эмиссия) ва уни капитал бозорида ўтказиш билан шуғулланувчи банк синдикатлари раҳбар гуруҳи аъзолари ҳам менежерлардир. Улар капиталистик жамиятдаги махсус ижтимоий қатламни ташкил қилади. Менежерлар маъмурий хўжалик раҳбарлиги соҳасида маълум мустақилликка эга бўлиб, уларнинг роли ортиб бормоқда. Бозор иқтисоди шароитларида менежерлар хизмати ишлаб чиқаришда ва товарлар муаммосини уюштиришда зарур омил бўлиб қолмоқда.

Ғарб мамлакатлари менежментида асосан икки хил фаолиятга эътибор юқоридир:

**1. Техникага оид фаолият** — маълум бир соҳада янги техника, технология ва хом ашёларнинг прогрессив турларини яратиш, ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича. Ушбу фаолиятда энг муҳими мутахассиснинг техника ва фан соҳасидаги билими, ихтирочилик санъати ва муҳандислик тажрибаси ҳисобланади. Бу соҳада ютуқ битта истеъдодли ихтирочининг меҳнати ёрдамида таъминланиши мумкин. Менежментнинг вазифаси эса истеъдодли кишиларни қидириб топиш, аниқлаш ва уларнинг ижод қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

**2. Бошқарув фаолияти,** яъни ишлаб чиқариш жараёнлари мувофиқлигини йўлга қўйишни таъминлаш, ходимлар фаолиятини уйғунлаштириш ва ташкил этиш бўйича ишлар.

Бошқарув фаолиятида муваффақият асосан барча ходимлар меҳнатининг самараси эвазига қозонилади. Раҳбарнинг моҳирлиги барча ишларни ўзи бажаришида эмас, балки кўпчилик фаолиятини ташкил этиш, керакли оқим сари йўналтиришдан иборатдир.

**Менежментнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**

**а) Истеъмолчини ўрганиб бориш.** Корхона фаолияти билан боғлиқ фактларни ўрганиш ва таҳлил қилишни билиш. Мунтазам равишда ретроспектор таҳлил қилишни билиш. Корхона фаолиятига ташқи омиллар таъсирини олдиндан аниқлай билиш.

**б) Жорий ва келажакдаги вазифаларни белгилаш.** Жамоанинг ички имкониятларидан фойдаланишга қаратилган стратегик концепцияларни ишлаб чиқиш.

**в) Кўзланган мақсадларга эришиш йўлида барча ресурс ва воситаларни (ходимлар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва материаллар, молия ва маълумот ва ҳ. к.) бирлаштиришни ташкил этишни таъминлаш.** Корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини барча турдаги ресурслар билан таъминлаш нуқтаи назаридан мувофиқлаштириш. Норматив базадан фойдаланиб смета ва баланс бўйича ресурсларни сарфлашга оид қўлланмаларни аниқлаш. Муҳим ресурслар устидан мустаҳкам назорат ўрнатиш.

**г) Фаол ижро этувчи структураларни яратиш.** Одамларни қадрлай билиш. Уларни танлай билиш, ўз вақтида ташаббускор ва қобилиятлиларининг мартабасини ошириш. Меҳнат жамоасини бошқаришнинг мақсад ва вазифалари билан хабардор қилиб бориш. Ходимларда ишга нисбатан бўлган қизиқишини ҳам моддий, ҳам маънавий ташкил этиш.

Худди шунингдек, **менежерларнинг ҳам қуйидаги вазифалари мавжуд:**

**Биринчидан, менежер корхонанинг мақсадини аниқлайди**, унга эришиш учун нима қилиш кераклигини ҳал қилади ва одамлар олдига аниқ вазифалар қўйиш йўли билан унинг бажарилишини таъминлайди.

**Иккинчидан, барча ишларнинг бажарилишини менежер ташкил қилади.** У барча ишларни гуруҳларга бўлади, тақсимлайди, ташкилий тизимларни, керакли раҳбарларнинг таркибини тузади ва ҳоказо.

**Учинчидан, менежер рағбатлантирувчи механизм ва алоқани яратади.** Ундан ташқари унинг ихтиёрида бўлган мукофотлаш, юқори лавозимларга кўтариш каби воситалардан фойдаланиб, ҳар хил ишларга жавоб берадиган шахслардан иборат жамоани яратади.

**Тўртинчидан, менежер ташкилот фаолиятини таҳлил қилади,** нормаларни белгилайди, корхонада ишлайдиган ҳар бир инсон — шахснинг ишига баҳо беради.

**Бешинчидан, менежер ходимларнинг турли лавозимга ўсишини таъминлайди.** Ўз вазифаларининг бажарилишига қараб менежер ходимларнинг ё ўсишига, ё пасайишига таъсир кўрсатади, у ё бу бирликни мустаҳкамлайди ёки тугатади.

Яқиндагина ўз мустақиллигининг 5 йиллигини нишонлаган, жаҳон иқтисодий ҳамжиҳатлигининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб бораётган Ўзбекистон Республикаси ҳам ўқув тизимини жаҳон андозалари (стандартлари) талаблари асосида такомиллаштира бориши учун барча зарур имкониятларга эга. Бунинг учун мактабларда ўқитилаётган иқтисодий билимларни амалда татбиқ қилиш мақсадида уларда менежмент ва менежерлар тайёрлашга ҳам алоҳида аҳамият берадиган вақт келди.

Бизнинг фикримизча, бу ишни қуйидаги кўринишларда амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

**Биринчидан, маҳаллий менежерлар тайёрлаш.** Бунинг учун маҳаллий бозорларга нима керак, қандай маҳсулотга талаб кучлилигини ўрганиб чиқиб, бозордан мактаб учун қандай маҳсулотларни сотиб олиш мумкинлигини аниқлаш зарур. Шу асосда мактабда маҳаллий бозор учун озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноат маҳсулотлари, асбоб-ускуналар, мебеллар, болалар кийими ва ҳоказоларни тайёрлаш мумкин. Бу орқали ўқувчиларда иқтисодий тарбия шаклланади, меҳнатга қизиқиш уйғотилади ва улар иқтисодий билим асосларини мустаҳкам эгаллайдилар.

**Иккинчидан, республика миқёсидаги менежерлар тайёрлаш (вилоят, шаҳар, туманлараро, шаҳарлараро ва вилоятлараро, ҳудуд, регион ва ҳоказо).** Бундай республика миқёсидаги бозорлар ўрганилади. Бир вилоят нима ишлаб чиқара олади, иккинчи вилоят эса қандай маҳсулот харид қила олади ва улар бир-бири билан қандай маҳсулотларни бартер қила олади ёки вилоятларда етиштирилган маҳсулотлар қаерга сотилиши мумкин каби жараёнлар кузатилади ва ўрганилади.

**Учинчидан, халқ таълими соҳасида халқаро менежерлар тайёрлаш.** Бунинг учун давлатлараро шартномалар тузиш, халқ таълими соҳасидаги экспорт ва импорт ишларини ривожлантириш зарур. Бу орқали эса халқ таълими соҳасини халқаро интеграцияга яқинлаштириш, тажрибалар алмаштириш, уларнинг таълим соҳасидаги янгиликлари ва ўқувчилар томонидан яратилган янги технологиялар ўрганилади ва республикамиздаги мактабларда жорий этилади. Шунингдек, маҳсулотлар айирбош қилинади. Ҳамда бартер қилинади.

Бунинг учун республика Халқ таълими вазирлиги ҳузурида чет мамлакатлар менежерлари билан алоқа қиладиган махсус комиссия ёки вазирликнинг иқтисодий соҳалар билан шуғулланадиган вазир муовини, вилоят халқ таълими бошқармалари қошида ҳам иқтисодий масалалар билан шуғулланадиган муовин, туман халқ таълими бўлимлари қошида ҳам иқтисодий масалалар билан ишлайдиган муовин, барча турдаги мактаб директорлари қошида ҳам иқтисодий ишлар бўйича директор уринбосари лавозими ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу менежментлар ишнинг кўзини биладиган мутахассис, ишбилармон ва тадбиркор шахс бўлиши шарт.

Худди шунингдек, мактаблар қошида ўз ҳисоб-китобларини олиб борадиган бухгалтер, молиячи мутахассис бўлиши керак ҳам банкда ўз ҳисобига эга бўлиши лозим. Мана шу каби ишлар амалга оширилса, республикамиздаги барча мактаблар иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланади, юқори малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшади ва аҳолининг анча қатламини иш билан таъминлашга ёрдам берган бўлади ҳамда республикамизни иқтисодиє жиҳатдан юксакликка кўтаришга катта кўмак беради.

**Нутфилло ХЎЖАЕВ,**
**иқтисод фанлари доктори,**
**профессор.**

*Обуна-1997*

# МУАЛЛИМ СЎЗИНИНГ ҚАДРИ

Миллий мустақиллигимиз боис, тарбия ва таълим тизимида ҳам янгича йўналиш, янгича фикр юритиш, янги педагогик тафаккур шаклланмоқда. Биз тилга олмоқчи бўлган Халқ таълими вазирлигининг илмий-методик журнали «Халқ таълими» ўзининг мазмунан бойлиги, тилининг содда ва равонлиги, методик йўналишининг ранг-баранглиги, қўйингки, ўқишлилиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, сунгги йилларда журналнинг илмий-методик савияси янада ортди. Журнал саҳифаларида меъёрий ҳужжатлар, низом ва концепцияларнинг берилиб бориши халқ таълими ходимлари, тарбиячи, ўқитувчилар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бунга мисол қилиб «Умумтаълим мактаби тўғрисида Низом», «Гимназиячилар тўғрисида Низом», Узбекистон Республикаси «Йил ўқитувчиси» курик-танлови Низоми» каби қатор ҳужжатларни кўрсатиш мумкин.

Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб журнал саҳифасида махсус рукн асосида сержило илмий-методик аҳамиятга эга бўлган қатор мақолалар бериб борилди. Булар: «Амир Темур — маърифат ҳомийси» (И. ТУРСУНОВ), «Соҳибқирон педагогик симосига чизгилар» (М. ҚУРБОНОВ), «Амир Темур бобомиздек чавандоз ўғлонларни тарбиялайлик» (Р. АБДУМАЛИКОВ, Ш. НОРҚУЛОВ) ва бошқалардир.

Қатор долзарб муаммоларнинг кўтарилиши: «Таълимда янгиланиш — давр талаби» (Ж. ЙЎЛДОШЕВ), «Мактабда рейтинг тизими» (Ҳ. Қ. ЙЎЛДОШЕВ, А. ҲАСАНОВ), «Психология фани ва кадрлар тайёрлаш муаммоси» (Э. ГОЗИЕВ), «Бир хил мазмундаги уч давр зулми» (Ҳ. УЗОҚОВ), «Табиий фанлар ўқитишни инсонпарварлаштириш» (М. МАМАДАЗИМОВ) ва бошқалар журналнинг бугунги кун талаби ва руҳияти асосида яшаб келаётганлигининг далилидир.

Журнал саҳифаларининг буёқларга бой булишида таҳрир ҳайъатининг ҳам хизматлари оз эмас. Улар жойларда ўз мухлислари билан тез-тез учрашиб, давра суҳбатлари, баҳсмунозара ва конференциялар ўтказиб боришмоқда. Маънавият олдида турган вазифалардан энг асосийси ёшларни буюк тарихимизга муҳаббат руҳида тарбиялаш эканлигини Президент И. А. Каримов 4 сентябрь куни «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқарувчи аъзолари билан булган учрашувида алоҳида таъкидлади. Шу муносабат билан журнал саҳифасида «Узлуксиз таълим педагогикаси», «Устоз—шогирд» анъаналари, «Ота-оналар мактаби», «Оқ йўл», «Хотира» рукнлари ташкил этилса...

Бу рукнларнинг ҳар қайсисини қисқача шарҳлаб утадиган булсак, эндиги миллий педагогикамиз «Узлуксиз таълим педагогикаси» деб аталади. Чунки, шу давргача бўлган педагогика узуқ-юлуқ эди. Эндиги вазифа, тарбия ва таълим жараёнида ижилликни ва инсонпарварликни таъминлашдан иборат.

«Устоз—шогирд» анъаналари рукнида эса устозга эҳтиром, чуқур ҳурмат бажо келтириш билан бирга унинг илғор тажрибалари, самарали босиб утган ижодкорлик йўли очиб берилса, шогирдлари тимсолида унинг мактаби мевалари ҳақида гап боради. Бу эса ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш билан бирга, муаллимликдек олийжаноб, эзгу касбга ёшларни қизиқтириш ҳамда ушбу касбни тарғиб этиш ҳисобланади.

«Ота-оналар мактаби» рукни орқали тарбия, яна такрор айтамиз, тарбия бобида намунали оилалар тажрибаси бериб борилади.

«Оқ йўл» рукнида эса ўзининг катта ниятлари, орзу-ҳаваслари билан мустақил ҳаёт бўсағасига қадам қўяётган ёш мутахассисларимизнинг орзуниятлари, муаммою истаклари бериб борилса, барчага маъқул иш бўларди.

«Хотира» рукни орқали эса ўзининг бутун ҳаётини тарбия ва таълимга бахшида этган азиз муаллимларимизнинг бугунги ҳаёт учун қолдириб кетган улмас мероси ёритилиб боради.

Энг сўнгги ва асосий тилакларимиздан бири журналнинг номи хусусида. Янги йилдан эътиборан севимли журналимизнинг номи «Узбекистон муаллими» ёки «Муаллим» деб юритилса, миллий маънавиятимиз талабларига жуда ҳам мос булар эди. Агар биз «Туркистон — умумий уйимиз» деб қарайдиган булсак, Марказий Осиё ҳудудидаги барча республикаларда «Ўқитувчи» сўзи «Муаллим» деб юритилади. Тўғри, муаллим сўзи арабча бўлиб, дарс берувчи, таълим берувчи, устоз деган маъноларни англатади. Миллий тарбиямиз тарихида «ўқитувчи» эмас, «муаллим» сўзи ишлатилиб келинган. «Муаллим» кенг мазмунга эга булган жарангли, айни пайтда сеҳрли сўздир. Шунга кўра, бу сўзни ҳар кимга ҳам ишлатиб бўлмайди. Бу сўзнинг замирида ҳақиқий қадриятларимиз тарихини эслатувчи, уни ёшларга ўзининг илму уммони орқали етказиб берувчи касб соҳиби турибди. Бу устоз — Муаллим!

**Ҳ. АБДУКАРИМОВ,**
**Р. МАҲМУДОВ,**
**Гулистон давлат университети доцентлари.**

# МАТБУОТ – ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТ МАҲСУЛИ

**Ҳайдарали УЗОҚОВ,**
**тарих фанлари доктори.**

*«Матбуот — фикр оқимининг ёзма кўриниши. У элга фикр улашади».*

**Абдулла РАҲМАТЗОДА.**

## I. ТАРИХДАН САДОЛАР

Аср бошида Туркистонда мустамлакачилар сиёсати ва истибдодига қарши озодлик ва эркин ҳаёт учун курашнинг юзага келиши, шаклланиши ва амалга ошишида жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши катта аҳамият касб этди. Бу ҳаракатларнинг туб моҳияти ва мақсадини ерли халқларга аниқ ва лўнда, тўғри ва бехато етказишга оғзаки нутқ ожизлик қилди. Буни атрофлича етказишнинг ягона ва асосий воситаси — бу ёзма нутқ — газета ва журналлар дарж этилиши эди. Бунга нашри афкорлар сифатида қарамоғимиз лозимдир.

Рус мустамлакачилари Туркистон халқларининг деярли барча бойликларини, соя-салқин ерларини, моддий ва маданий бойликларини бир бошдан кемира бошладилар, Россияга ташиб кетдилар. Бу бедодликларни ерли халқдан яшириш, хаспўшлаш учун, ўзини қўй оғзидан чўп олмаган ҳукмдорлигини кўрсатиш учун ёзма нутқ — газета керак булиб қолди. Фон Кауфман Туркистон губернатори лавозимидан фойдаланиб 1870 йил июлидан бошлаб ўзининг «Туркистон вилоятининг газети»ни чиқара бошлади. Газетанинг туриш-турмуши, бутун борлиги оқ пошшо «жаноблари»нинг мақсадсиз ва лутибозликдан иборат ахборотлари, фармонларини дарж этиш, булган воқеаларни халқдан яшириш, зулмни раҳнамолик билан алмаштириш руҳидаги хабар ва мақолаларни босиш билан суғорилган эди.

Масалан, генерал Журабекнинг «номаълум кимса томонидан отиб ўлдирилгон», деган икки қатор хабарни бериш билан кифояланган ўша 1906 йилдаги сонларидан бирида, «Бечора Коля кўмир ортилган аробаси билан қор уюмлари орасида қолиб кетиб, бир сутка азоб чекиб Московга етиб борди», деган хабарни босган эди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, бу газета қанчалик реакцион, подшо ҳукуматининг манфаатларига хизмат қилган булмасин, унинг чиқиши миллий ва маҳаллий газеталар ва журналларнинг пайдо бўлишига акс садолик вазифасини бажарди.

Ана шу аснода Туркистонда ёзувчи Зиё Саиднинг тасвири билан айтганда, XX асрнинг бошидан «жадидлар ва уларнинг матбуоти» юз кўрсата бошлади. 1906 йил сентябридан бошлаб ҳафтада бир марта «Хуршид», «Тараққий» газеталари чиқа бошлади. Газета илмий, сиёсий, адабий ва маърифий руҳда бўлиб, унга Исмоил Обидов муҳаррирлик, атоқли сиёсатдон, йирик журналист Мунаввар қори эса ташкилотчилик қилди.

Яна шундай жадид газеталардан бири — «Шуҳрат» эди. Бу 1907 йил, 1 декабрдан атоқли педагог ва йирик журналист Абдулла Авлоний муҳаррирлигида чиқа бошлади. Худди шу йили «Тужжор» газетаси ҳам чиқа бошлади. Бу газета тошкентлик бой ва талантли журналист Саидкарим Саидазимбой угли томонидан чиқарилди. Газета материалларининг деярли барчаси оқ пошшо сиёсатига терс эди, мустақил яшаш учун илм олиш, мактаб очиш, тижоратни кенгайтириш ғояларини кўтариб чиқишдан иборат эди.

1908 йилга келиб 9 апрелдан татар йигити, узбек журналисти Аҳмаджон Бектемиров муҳаррирлигида «Осиё» газетаси дарж этилди. 1913 йил апрел ойидан бошлаб улкан адиб ва ташкилотчи журналист Маҳмудхўжа Беҳбудий муҳаррирлигида «Самарқанд» газетаси чиқа бошлади. 1914 йил 4 апрелдан бошлаб ҳуқуқшунос адвокат Убайдуллахўжа муҳаррирлигида «Садои Туркистон» газетаси, 3 апрелдан бошлаб эса Обид Чатоқ — Обиджон Маҳмудов муҳаррирлигида «Садои Фарғона» газетаси чоп этилди.

Бу жадид газеталарида чор мустамлакачиларининг истибдодларига қарши халқнинг онгли кўтарилишига туртки берадиган материаллар айниқса кўп босилар эди. Шу боис ҳам мазкур жадид нашрларининг ғоявий йўналиши ерли халққа сиёсий онг улашиш, фикр тарқатиш, кимлар учун хизмат қилинаётганликнинг моҳиятини тушунтиришдан иборат эди.

Миллий онгнинг усиши ва ривожининг маҳсули сифатида XX асрнинг бошларидан нашри афкорларнинг иккинчи бир туркуми — журналлар ҳам дарж этила бошланди. Журналлар саҳифаларида эълон қилинган материалларнинг асосий руҳи ва ғоясида оқ босқинчилар истибдодига қарши, адолатсизликлар билан тўлиб-тошган чор сиёсатига мардонавор терс юриш бунинг моҳиятини, услубиятини фуқаролар орасида ташвиқ этишдан иборат эди. Бу эса ўша давр матбуотининг ягона мақсади эди.

Ана шундай журналлар сирасида 1913 йил 20 августдан атоқли журналист Маҳмудхўжа Беҳбудий ноширлиги ва муҳаррирлигида дарж этилган «Ойина» туради. Журнал дастлаб ҳафтада бир марта ва иккинчи йилдан бошлаб ўн беш кунда бир марта чиқа бошлади. Ундаги материаллар Туркистонда мустақиллик руҳига бағишланган, зулм ва истибдод, адолатсизлик ва солиқ тизимининг беҳаҳмликларига аталган ҳамда маориф ва маданиятнинг ўсувига қаратилган муаммолар бўлганлиги учун ҳам тез орада журнал чет элларга, Зиё Саид тили билан айтганда, «унинг сонлари Қоқоз, Тоториcтон, Эрон, Афгонистон, Ҳиндистон ва Туркиягача торқолор эди».

Журналда фаол қатнашган истиқлолчи журналистлардан: Васлий, Миллий, Рожий, Мулла Хокро, Маҳмуд Тарзий, Акобир Мансурий, Буқаламун, Маҳмуд Сатторий, Камий — шоир, Фитрат, Муаллим Хитойи, Қоризода, Ниёзий Ражабзода, Сидқий, Холмуҳаммад Оҳундий, Зуҳриддин Фатҳиддинзода кабилар эди.

1915 йил 14 январдан бошлаб «Алислоҳ» журнали тошкентлик Абдурахмон Содиқ угли — Сайёҳ томонидан чиқарилди. Журнал бутун вужуди билан рус амалдорлари ва уларнинг сиёсатига қарши ислом ва унинг ғояларини, эски мактабни тарғиб ва ташвиқ қилишга қаратилган эди. Бунга машҳур журналистлар Сайёҳ, Садриддинхон, Х. Ҳ. Ниёзий, Муҳаммад Турақулий, тошкентлик Аҳмадхўжа Эшон, Олимжон Тура, марғилонлик Фазлваҳоб қори, Муфтизодалар турли мавзуларда хабар ва мақолалар ёзиб турганлар.

Бундан ташқари, Февраль ўзгариши ва ундан сўнгги даврларда ҳам Туркистонда нашрий-афкорларнинг янги-янги номлари дарж этилиб, улар давр билан ҳамнафас фаолият кўрсата бошладилар.

1917 йил март ойидан Мунаввар қори. муҳаррирлигида «Нажот», 1917 йил 15 мартдан наманганлик Ҳусайин Макаев ташкилотчилиги ва муҳаррирлигида «Фарғона саҳифаси», шу йил 16 майдан бошлаб Тошкентда Туркистон Марказий «Шурои ислом» жамиятининг нашр афкори бўлиб «Шурои ислом», шу йили Абдулла Авлоний муҳаррирлигида «Турон», яна шу йили 16 апрелдан Самарқанд жадидларининг «Ҳуррият» газетаси Мардонқул Шоҳмуҳаммадзода муҳаррирлигида чиқа бошлади. Шу йили 25 июндан эса Туркистон Марказий Шуросининг нашри «Кенгеш» журналист Аҳмад Зокирий муҳаррирлигида чоп этила бошланди. 1917 йил сентябрдан эътиборан таҳрир ҳайъати имзосида «Турк эли» дарж этилиб, бунга Муҳаммад Амин, Афандизода, Шокиржон Раҳимий, Бурҳон Ҳабиб, Рафиқ Мўмин кабилар ёзиб турдилар. Бу газеталардаги асосий ғоя февраль ўзгаришини улуғлаш, исломда қаттиқ туриш орқали мухториятни қўллаб-қувватлашдан иборат эди.

Февраль инқилобидан сўнг Тошкентда татар буржуазиясининг нашр афкори «Улуғ Туркистон» газетаси чиқа бошлади. Тошкентда тўпланган ва яшаётган ўткир татар зиёлилари жадидчилик ҳаракати билан ҳамоҳанг ҳолда «Шурои ислом» жамияти типидаги «Иттифоқ» номида бир жамият—ташкилот тузадилар. Улар ўзларининг мазкур номдаги газетасини дарж этдилар. Унга муҳаррир сифатида Кабир Бакир деган журналист тайинланди. Бунга кўплаб тошкентлик бойлар иқтисодий кўмак бердилар. Улар 1917 йилда мазкур газетани изчил чоп этиб туришга мўлжаллаб, ўзларининг «Нашриёт» ширкатларини ҳам ташкил этдилар.

Газета «Яшасин, миллатлар мухторияти» шиори остида ёруғлик кўрди. Куринадики, газета мухториятни қўллаб-қувватлаган ўта прогрессив нашр эди. Бу газетанинг олиб бораётган ишлари мухторият қонга ботирилгач, шўроларга табиий равишда ёқмай қолди. Шу сабабли ҳам 1918 йил 20 июндан чиқа бошлаган фирқанинг бош органи сифатидаги **«Иштирокиюн»** газетасига «Улуғ Туркистон» қўшиб юборилади. Шу йил билан бу миллий газета тугатилади.

Инқилобгача фаолият кўрсатган кўпгина миллий-маҳаллий нашр афкорлари оқ босқинчиларнинг қотилликлари — Дукчи Эшон воқеаси, 1906 йил хунрезликлари, 1916 йил Жиззах ва Тошкентдаги мардикорга олиш ваҳшийликлари каби тарихий воқеаларнинг туб моҳиятини элга ошкор қилиб келган, мазкур нашрлар, октябрь тўнтаришидан сўнг турли янги номлар негизида оқ империяни ёмонлаш ва янги тузум — Шурони мақташ томонига ўтган газеталар чиқа бошлади. Бунда журналистларнинг талайгина қисми большевикларни мақтаб мақолалар эълон қилишга ўтган бўлсалар, салмоқли қисми демократия қарор топди, айтолмаган гапларимизни энди айта оламиз деган ниятда Шуро даврининг дастлабки камчиликлари, давлатни бошқаришда мустақил будиш шартлиги муаммоларини ёритувчи мақолалар бера бошладилар.

Большевикларнинг ягона ва йирик нашри сифатида **Ориф Клеблеев** муҳаррирлигида чиқа бошлаган «Иштирокиюн» секин-асталик билан Туркистон ўлкасида барча нашр афкорларига ғоявий раҳбар, «устоз» сифатида иш тута бошлади — бериладиган деярли кўпчилик мақола, хабарларни Шуро ҳукуматининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, коллективлаштириш, қўлоқлаштириш деган номлар остида миллий халқларнинг етук зиёлилари, бойларини ёппасига қириш, қатагон қилиш йўлига утиш сиёсатини огишмай амалга ошириш — изчил ёритиш билан фаолият кўрсатди.

20-йилларда ушбу газета турли номланишлар — «Қизил байроқ», «Туркистон», «Қизил Узбекистон» номларида узгарган ҳолда чиқа бошлади. Унинг махсус саҳифаси сифатида илова ҳолида чоп этилган «Ёш ленинчи» ҳамда бу даврларда изчил чиқа бошлаган «Маориф ва ўқитувчи», «Ер юзи», «Аланга», «Янги йул», «Муштум» сингари журналлар ҳам янги тузум олқишига утди. Улар бундай қилишга мажбур этилдилар. Акс ҳолда янги тузум уларни тезда гумдон қиларди. Шундай булса-да, барибир Шуро ҳукумати бу нашрларда ишлаган фидойи миллатдошларимизни — халққа фикр тарқатувчи талантларни шиббалаб ташлади.

Ўлкада нашрларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти тарихини, уни ташкил этган фидойи инсонларни ёдга олиш, улар ҳақида тадқиқотлар олиб бориш ҳам истиқлол мафкурасининг талабларидандир. Бу нарса ўз-ўзидан мустақиллик даври матбуотининг бугунги руҳий оламини билиб олишга катта кумак беради, деб ўйлаймиз.

**(Давоми бор.)**

Суратда: Жадид матбуотидан чиқарилгон газета ва жаридалардан бир қисми.

# ТАЛАБАЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАЪМИНЛАШМОҚДА

**Мирзо Улуғбек туманидаги «Камоли — Шуҳрат» мактаб таом жамоаси тумандаги 35 та мактаб ўқувчиларини, 3 та ҳунар-техника билим юрти талабаларини озиқ-овқат ва қандолат маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. — Мавжуд имкониятларимиздан фойдаланиб, иложи борича арзон нархдаги озиқ-овқатлар билан мактабларни таъминлашга жамоамиз билан ҳаракат қиламиз, — дейди жамоа раҳбари Шуҳрат Фаттоҳов.**

**Уларга ойига 9 турдаги қандолат маҳсулотларининг ўзидан 35 минг дона етказиб берилади.**

**Дарҳақиқат, мактабларни озиқ-овқат ва қандолат маҳсулотлари билан таъминлаш 198 ишчи ва мутахассисларга юклатилган. Илгари нонлар магазинлардан сотиб олинарди. Ҳозир комбинат қошида ойига 7 минг 700 дона нон ёпа оладиган кичик цех маҳсулот чиқаряпти. Бундан ташқари пишлоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жамоа кучи билан колбаса тайёрлаш цехини очиш режалаштирилмоқда.**

**Ҳозирги замон талабига мослашиш ва болаларга бериладиган озиқ-овқат турларини янада кўпайтириш учун комбинат жамоаси мактаб таомга қаратилган бўлган янги бинони қуришни мўлжаллашяпти.**

**Бунинг учун туман ҳокимлигидан рухсатнома олинган. Яқин келажакда янги бино ишга туширилади. Лойиҳага кўра янги бино 2 та савдо зали, қулинария бўлими ва сомсахонадан иборат бўлади. Бундай савдо биносини қуришдан мақсад бу ердан тушган маблағ ҳисобига мактаблар таъминотини янада жонлантиришдир. Ҳуллас, келажакда ўғил-қизлар сифатли озиқ-овқатлар билан таъминланади.**



**СУРАТЛАРДА:**

*** «Камоли — Шуҳрат» мактаб таом жамоаси раҳбари Шуҳрат Фаттоҳов туманда шу йили ишга туширилган Амир Темур номидаги 112-мактаб бош ошпази Абдухалил Орипов билан маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.**

*** Мактаб таом корхонасига қаратилган савдо комплекси лойиҳаси яратилди. Комплекс қуриб битказилгач шаҳримизнинг энг чиройли биноларидан бири бўлади.**

**Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.**

# ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИНИНГ КЕЛАЖАГИ БОР

Кубок Тошкент шаҳри командаси футболчиларида!

Кубокни Республика Халқ таълими вазири ўринбосари Х. Маъсудов топширди.

«Энг яхши дарвозабон» — Нурназар Ахметов (Қорақалпоғистон Республикаси)

«Энг яхши ҳужумчи» — Нодир Жўраев (Бухоро вилояти).

8 октябрда республика Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ўқувчи-ёшлар футбол мусобақасининг финал беллашувида пойтахтлик ўқувчилар билан бухоролик ёш футболчилар майдонга тушишди. Ёмғир шивалаб турганига қарамай ҳар икки команда аъзолари дадил ҳаракат қилиб, дарвозаларни эгаллашга интилишди. Учрашувнинг биринчи ярмидан ошгач, тошкентлик спортчилар фаоллиги сезила бошлади ва ўйиннинг йигирма бешинчи дақиқасида 11 рақамда ҳаракат қилган Евгений Суханов рақиблар дарвозасига биринчи тупни киритди.

35 дақиқадан иборат иккинчи бўлимда ҳам пойтахт футболчилари аниқ ва бехато ўйнаб, мухлислар олқишини олишди.

Учрашувнинг 50-55-дақиқаларида ҳам Евгений Суханов дарвозани аниқ нишонга олди. Бухороликлар устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган пойтахт футболчилари биринчи даражали диплом ва кўчма кубок соҳиби бўлишди. Команда ўйинчиларига қимматбаҳо совғалар насиб этди.

Республика мусобақасига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш қўмитаси раиси ўринбосари, «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши раиси М. Ҳайдаров Тошкент Олий умумқўшин командирлар билим юрти ўйингоҳида саф тортган спортчиларга мурожаат қилиб, қизғин беллашувда ғолиб чиққан пойтахт ёш футболчиларини, тренерларни самимий қутлади ва келгуси учрашувларда муваффақиятлар тилади.

Республика мусобақасига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш қўмитаси раиси, халқ таълими вазири ўринбосари Х. Ф. Маъсудов ғолибларга биринчи даражали диплом ва кўчма кубокни топширди. Мусобақада иккинчи ўринни олган Бухоро ҳамда учинчи ўринни эгаллаган Сурхондарё вилоятлари командаларига иккинчи ва учинчи даражали дипломлар топширилди.

Халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев иккинчи ўрин соҳиби Бухоро вилояти командасига эсдалик совғасини берди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси И. Абдуғаниев тўртинчи ўринни эгаллаган Фарғона вилояти командасига «Энг намунали ва техник маҳоратга эга команда учун» кўчма кубоги ва фахрий ёрлиқни топширди.

Шунингдек, футбол учрашувларида фаоллик курсатганликлари учун ёш спортчиларга дипломлар топширилди:

## ЭНГ ЯХШИ...

- *«Энг яхши дарвозабон» (Нурназар Аҳметов, Қорақалпоғистон Республикаси)*
- *«Энг яхши ҳимоячи» (Максим Усмонов, Наманган вилояти)*
- *«Энг яхши ҳужумчи» (Нодир Жўраев, Бухоро вилояти)*
- *«Энг яхши ярим ҳимоячи» (Андрей Власичов, Жиззах вилояти)*
- *«Энг яхши тўпурар» (Станислав Шанин, Сурхондарё вилояти).*
- *«Энг яхши тренер» (Сулаймон Раҳмонов, Бухоро вилояти).*
- *«Энг яхши ҳакамлар бригадаси» (Александр Барикин, Дилшод Нуралиев, Қаҳрамон Бобохонов, Тошкент шаҳри).*

Стадион узра Узбекистон Давлат Гимни садолари янграб, мусобақа байроғи туширилди.

Бир ҳафтадан ортиқроқ яшил майдонларда давом этган футбол беллашувлари якунланди. Лекин мусобақа таассуротлари спортчилар ва футбол ишқибозлари кўнглини ҳали-бери тарк этмаслиги аниқ.

**Ғ. МАННОПОВ, мухбиримиз.**

## «БЕШТА ФУТБОЛ-ИНТЕРНАТ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА»

***Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 750 дан ортиқ ўмумтаълим мактабларида 350 мингга яқин ўқувчи таълим олаётир. Умумтаълим мактабларида футболга қизиқиш катта. Буни вилоят ёш футболчиларининг туман, вилоят ва республика мусобақаларида қўлга киритаётган ютуқларида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Биз «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти вилоят кенгаши раиси муовини вазифасини бажарувчи Зиёвиддин Жумаев билан футболни ривожлантириш соҳасида амалга ошираётган ишлар юзасидан суҳбатлашдик.***

**— Зиёвиддин ака, Сизни вилоят ёш футболчилари қўлга киритган ютуқлар билан қутлаймиз. Баҳор ойларида болалар спорт мактаблари ўқувчилари биринчилигида вилоятингиз футболчилари республика бўйича бешинчи ўринни эгаллашганди. Бу галги учрашувларда умумтаълим мактаблари командаси яна икки поғона юқори кўтарилди. Бунинг сири нимада?**

— Ўзингиз футболчиларимиз ўйинларини кўрган бўлсангиз, командамиз наманганликларни 6:0, самарқандликларни 3:0, қашқадарёликларни 2:1 ҳисобида ютганликларининг гувоҳи бўлгандирсиз. Бу ютуқ ўз-ўзидан юзага келмайди. Терма командамиз мураббийлари ота-бола О. Чиркин ва С. Чиркинлар олиб борган тинимсиз машғулотлар ўз самарасини берганлиги мусобақа якунида ҳам кўзга ташланди. Командамиз фарғоналиклар билан 3—4-ўринлар учун курашда 3:1 ҳисобида ғалаба қозонишиб, юзимизни ёруғ қилишди.

**— Вилоятда футбол мактаблари ва бўлимлари ташкил этиш қай аҳволда?**

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг футболни ривожлантириш юзасидан шу йилнинг 17 январида чиқарилган қарор ҳамда Халқ таълими вазирлигининг шу масала юзасидан буйруғи асосида мактабларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш, стадионлар, спорт майдончалари ташкил этиш диққат марказимиздан жой олган. Ҳозирги кунда умумтаълим мақтабларида 271 та футбол майдони, 231 та мослаштирилган майдончалар мавжуд.

Сурхондарёда фаолият кўрсатаётган 17 та болалар—ўсмирлар спорт мактаблари қошида 15 та футбол бўлими фаолият кўрсатмоқда. Уларда 3 мингдан ортиқ болалар футбол билан шуғулланишади.

Футболни ривожлантиришга қарата чиқарилган ҳукумат қарори асосида вилоятимизда 5 та футбол-интернат ташкил этилмоқда. Уларда 200 нафар ўқувчи футбол билан шуғулланади. Термиз ва Денов шаҳрида, Музработ, Узун ва Сариосиё туманларида футбол интернатлари очилган.

**— Ёш футболчилар маҳоратини ошириш қай тарзда амалга оширилаётир?**

— Бошқа жойларда бўлгани каби умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан энг иқтидорлилари вилоят клуб командаларида ўтказилаётган учрашувларда иштирок этиш орқали ўз маҳоратларини ошириб боришяпти. Бир қатор ўқувчилар Шўрчи туманидаги «Ёшлик», Сариосиё туманидаги «Зиёкор» командалари таркибида қатнашиб келишмоқда. Айрим ёш футболчилар Термиз шаҳридаги Армия спорт клуби, «Сурхон» жамоалари таркибида майдонга тушишаётир.

Спорт катта иштиёқ ва фидойиликни талаб этади. Ёш футболчиларимиз республика пойтахтида ўтказилган беллашувларда фаоя иштирок этиб, ишончимизни оқлашга ҳаракат қилишди. Келгусида улар орасидан халқаро мусобақаларда қатнашадиган футболчилар. етишиб чиқишидан умидворимиз.

**Суҳбатдош: Ғафур МИРЗО.**

Республика халқ таълими вазирлиги тизимидаги 1980-81 йилларда туғилган ўқувчи-ёшлар футбол мусобақаси якунларига кўра командалар қўйидаги ўринларни эгаллашди:

1. ТОШКЕНТ ШАҲРИ
2. БУХОРО ВИЛОЯТИ
3. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
4. Фарғона вилояти
5. Жиззах вилояти
6. Қорақалпоғистон Республикаси
7. Тошкент вилояти
8. Самарқанд вилояти
9. Сирдарё вилояти
10. Хоразм вилояти
11. **Андижон вилояти**
12. **Наманган вилояти**
13. **Қашқадарё вилояти**
14. Тошкент — 2 (танловдан ташқари)

### КАТТА ФУТБОЛИМИЗДА НИМА ГАП?

**Олий табақа**

**25-турдан кейинги вазият**

| | У | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Навбаҳор» | 25 | 20 | 3 | 2 | 73-18 | 63 |
| 2. «Нефтчи» | 25 | 19 | 3 | 3 | 55-28 | 60 |
| 3. МҲСК | 25 | 14 | 7 | 4 | 65-33 | 49 |
| 4. «Нурафшон» | 25 | 14 | 5 | 6 | 49-25 | 47 |
| 5. «Пахтакор» | 25 | 14 | 3 | 8 | 44-23 | 45 |
| 6. «Дўстлик» | 25 | 13 | 4 | 8 | 40-29 | 43 |
| 7. «Атласчи» | 25 | 11 | 3 | 11 | 40-47 | 36 |
| 9. «Янгиер» | 25 | 9 | 2 | 14 | 40-47 | 29 |
| 10. «Наврўз» | 25 | 7 | 8 | 10 | 35-45 | 29 |
| 11. «Динамо» С | 25 | 9 | 0 | 16 | 30-39 | 27 |
| 12. «Суғдиёна» | 25 | 8 | 3 | 14 | 36-49 | 27 |
| 13. «Косонсой» | 25 | 7 | 3 | 15 | 27-54 | 24 |
| 14. «Машъал» | 25 | 6 | 4 | 15 | 20-51 | 22 |
| 15. «Динамо» У | 25 | 5 | 3 | 17 | 22-53 | 18 |
| 16. АСК | 25 | 4 | 4 | 17 | 22-59 | 16 |

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг «Энг намунали ва техник маҳоратга эга команда учун» кўчма кубогини И. Абдуғаниев Фарғона вилояти командасига топширди.

Учинчи ўрин соҳиблари — Сурхондарё вилояти командаси.

Финал ўйинидан лавҳа.

## ЯНГИЧА ТАНЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони Фарғона вилояти мактабларида ҳам мамнуният билан кутиб олинди ва уни ҳаётга татбиқ этиш борасида хайрли ишлар амалга оширила бошланди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида муайян бир ижодий мавзу юзасидан иншо ёзиш бўйича кўриктанловлар ўтказиш анъанаси илгаридан бор эди. Бироқ истиқлолимизни қўлга киритганимиздан сўнг бундай иншоларнинг мавзулари тамом ўзгарди.

Вилоят мактаблари юқори синф ўқувчилари ўртасидаги бу галги иншо танлови буюк соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланди. Унда 42 ўқувчи қатнашди. Шундан 25 иншо кўрикда юқори натижани қўлга киритди.

Биринчи ўрин Фарғона туманидаги 9-мактаб 9-синф ўқувчиси Нозимахонга ва иккинчи ўрин Бағдод туманидаги иқтидорли ўғил болалар лицейининг 10-синф ўқувчиси Баҳромжонга насиб этди.

Ғолибларга қимматбаҳо китоблар ва девор соати тақдим этилди.

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Данғара тумани бўлими ҳамда халқ таълими бўлими ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган кўриктанлов эса «Давлатимиз рамзлари» мавзуига бағишланди.

Бу ўзига хос беллашувда 30-мактаб ғолиб чиқди.

**Зиёда ҒАФФОРОВА.**

## ДОНОЛАР ЎГИТИ

*«Ўқитиш — икки баробар ўқиш демакдир».*
**Ж. КУБЕР.**

***

*«Яхши ўқитувчи бўлиш учун нимани ўқитсанг — ўшанга, кимни ўқитсанг—ўшаларга меҳр қўймоғинг зарур».*
**Б. О. КЛЮЧОВСКИЙ.**

***

*«Муваффақиятли тарбиянинг сири—ўқувчига ҳурматда».*
**Р. ЭМЕРСОН.**

***

*«Тарбиячи ўз тарбияланувчиларини қандай кўришни истаса, аввало унинг ўзи ўшандай бўлмоғи лозим».*
**В. И. ДАЛЬ.**

***

*«Билимни улуғ, ўқувни буюк бил.*
*Бу икки нарса инсонни улуғлайди».*
**Ю. Х. ҲОЖИБ.**

***

*«Ўқитувчи дарс беришда ўйлашга мажбур эта олиши, энг муҳими, ўқувчида мустақил ишлаш истагини уйғотиши зарур».*
**А. ДИСТЕРВЕРГ.**

***

*«Ўқитувчи ўқувчи учун инсон камолотининг олий намунасидир».*
**Н. ДОБРОЛЮБОВ.**

***

*«Халқ учун нондан сўнг энг муҳими мактабдир».*
**Ж. ДАНТОН.**

**Тўпловчи Шавкат САДРИДДИНЗОДА.**


## 1997 ЙИЛ АБИТУРИЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази қуйидагиларни маълум қилади:**

— «Ахборотнома» («Вестник») журналининг 1—15-сонлари, яъни 1996 йилнинг март-июнь ойларида нашр этилган тест саволлари 1997 йил ўқув юртларига кириш имтиҳонлари жамғарма банкига киритилади ва улардан фойдаланилади;

— журналнинг кейинги сонларида янги тест саволларини нашр этиш давом эттирилади;

— ташкилотлар, муассаса ва корхоналар, шунингдек, жисмоний шахслар «Ахборотнома» («Вестник») журналига нақд пул тўлаш ёки пул ўтказиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси матбуот ташкилотларининг шохобчалари орқали 1997 йил учун обуна бўлишлари мумкин;

— ўзбек тилида нашр этиладиган «Ахборотнома» журналининг обуна индекси —75207.

— рус тилида нашр этиладиган «Вестник» журналининг индекси — 75208.

— Журнал ҳар ойда нашр этилади.

**Маълумот учун телефонлар: 55-98-28**

**55-95-73.**

VISITING FULBRIGHT
SCHOLAR PROGRAM
FOR 1997-1998 ACADEMIC YEAR

THE EMBASSY OF THE UNITED STATES OF AMERICA (THE USIS TASHKENT) ANNOUNCES THE VISITING FULBRIGHT SCHOLAR PROGRAM FOR THE 1997-1998 ACADEMIC YEAR.

THE PURPOSE OF THE FULBRIGHT PROGRAM IS "TO INCREASE MUTUAL UNDERSTANDING BETWEEN THE PEOPLE OF THE UNITED STATES AND THE PEOPLE OF OTHER COUNTRIES."

THE FULBRIGHT PROGRAM PROVIDES EDUCATIONAL EXCHANGE EXPERIENCE THAT SHOULD ALSO BE OF INTRINSIC VALUE TO THE RECIPIENT'S HOME INSTITUTION, ITS FACULTY, AND ITS STUDENTS.

GRANTS ARE MADE FOR A VARIETY OF SPECIALTIES, PRIMARILY IN ADVANCED RESEARCH AND UNIVERSITY LECTURING, AND ARE AWARDED FOR A PERIOD OF TWO TO TWELVE MONTHS.

TO BE ELIGIBLE FOR A RESEARCH AWARD, ONE MUST HAVE THE FOLLOWING QUALIFICATIONS: CITIZENSHIP OR PERMANENT RESIDENT STATUS IN UZBEKISTAN, A DOCTORATE OR EQUIVALENT PROFESSIONAL QUALIFICATIONS AT THE TIME OF APPLICATION, ENGLISH LANGUAGE PROFICIENCY, AND GOOD HEALTH.

APPLICANTS ARE ASKED TO COMPLETE A COPY OF THE FORM AVAILABLE AT THE UNITED STATES INFORMATION SERVICE,(BUYUK TURON STREET, 41, TASHKENT, UZBEKISTAN; TEL.: 33-35-81, 33-59-74, 33-70-96).

THE APPLICATION FORMS MUST BE RETURNED TO THE USIS TASHKENT NO LATER THAN DECEMBER 27, 1996.

THE PRELIMINARY SELECTED CANDIDATES WILL BE INVITED FOR INTERVIEWS. THE CANDIDATES FINALLY SELECTED IN THE U.S.A. WILL BE NOTIFIED LATER.

HUBERT HUMPHREY
FELLOWSHIP PROGRAM
FOR 1997-1998 ACADEMIC YEAR

THE EMBASSY OF THE UNITED STATES OF AMERICA (THE USIS TASHKENT) ANNOUNCES THE HUBERT HUMPHREY FELLOWSHIP PROGRAM FOR THE 1997-1998 ACADEMIC YEAR.

WINNERS OF THE HUBERT HUMPHREY FELLOWSHIPS WILL TRAVEL TO THE UNITED STATES FOR A YEAR OF NON-DEGREE, COMBINED ACADEMIC AND PROFESSIONAL WORK.

HUMPHREY FELLOWSHIP APPLICANTS SHOULD BE MID-CAREER PROFESSIONALS IN LEADERSHIP POSITIONS WHO HAVE THE REQUIRED EXPERIENCE/SKILLS, POTENTIAL FOR LEADERSHIP, AND COMMITMENT TO PUBLIC SERVICE.

FELLOWS SHOULD BE POLICY- RATHER THAN RESEARCH- OR TECHNICALLY ORIENTED, WITH A MINIMUM PROFESSIONAL EXPERIENCE OF FIVE YEARS.

PARTICIPANTS FROM ALL REGIONS OF THE COUNTRY ARE WELCOME TO APPLY.

FELLOWSHIPS ARE GRANTED COMPETITIVELY TO PUBLIC- AND PRIVATE-SECTOR CANDIDATES IN THE FIELDS OF:

COMMUNICATION/JOURNALISM,
PUBLIC POLICY ANALYSIS AND PUBLIC ADMINISTRATION,
ECONOMIC DEVELOPMENT,
FINANCE AND BANKING,
LAW AND HUMAN RIGHTS.

APPLICANTS ARE ASKED TO COMPLETE A COPY OF THE FORM AVAILABLE AT THE UNITED STATES INFORMATION SERVICE (BUYUK TURON STREET, 41, TASHKENT, UZBEKISTAN; TEL. 33-35-81, 33-59-74, 33-70-96). THE APPLICATION FORM MUST BE RETURNED TO THE USIS TASHKENT NO LATER THAN OCTOBER 18, 1996.

THE STRONG CANDIDATES WILL BE INVITED TO ENGLISH LANGUAGE TESTING ON OCTOBER 26, 1996, AND AT THIS TIME OF PRELIMINARY SELECTION MUST HAVE A SCORE FROM THE TEST OF ENGLISH LANGUAGE PROFICIENCY (TOEFL) NO LOWER THAN 500.

RESULTS OF THE COMPETITION WILL BE CONVEYED TO WINNERS BY MID-MARCH 1997.



Ма'рифат

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Икром БУРИБОЕВ, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0582.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.